

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“МОЛИЯ, БАНК ВА СОЛИҚ ҲУҚУҚИ”
КАФЕДРАСИ**

Бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Тадбиркорлик
ҳуқуқий фаолият” йўналиши
талабаси

Мадалиев Илхом Исмоилович

Илмий раҳбар: “Молия, банк ва
солиқ ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси
Эргашев Икром Абдурасулович

Тошкент – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1§ Бюджет тизими тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
1.2§ Ўзбекистон Республикасида бюджет соҳасида юзага келиши мумкин бўлган жавобгарликларни олдини олишда бюджет назоратининг ўрни	12
2.2§ Бюджет қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик	30
2.3§ Бюджет қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик	36
3-БОБ. Бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масаласини такомиллаштиришнинг илғор хорижий тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари.....	49
3.1§ Ривожланган мамалакатлар тажрибасида бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик асослари.....	49
3.2§ Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари.....	52
ХУЛОСА.....	62
Фойдаланилган адабётлар.....	70
ИЛОВАЛАР.....	74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ижтимоий иқтисодий вазифаларини тўлиқ бажарилиши бевосита Давлат бюджети даромадлари хажмига ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Давлат бюджети маблағларидан фойдаланувчилар томонидан маблағларидан мақсадли фойдаланмаслик, мазкур маблағларни ноқонуний йўллар билан ўзлаштириш, бюджет ҳуқуқбузарликларига олиб келади. Бу эса давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга имкон бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик муҳити шаклланади, ўтказилаётган ислохотларни жамият идрок қилишга салбий тасир қилади, уларни обрўсизлантиради. Бугинги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида, Давлат бош ислохотчи сифатида, бюджет даромадларини кўпайтириш ва улардан устувор йўналишлар бўйича самарали фойдаланишга қаратилган муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Юртбошимиз илгари сурган 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси¹” номли маърузасида амалдаги қонунларнинг аксарияти мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг янги шароитларини назарда тутган ҳолда, жиддий қайта кўриб чиқишга муҳтож экани алоҳида таъкидланди. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий асосини давлат бюджети ташкил этади. Унга кўра нафақат давлатнинг иқтисодий қудратига, балки ижтимоий ривожланишига кетадиган сарф-харажатларига ҳам баҳо бериш мумкин. Бюджет иқтисодий сиёсатнинг муҳим воситаси ҳамда ҳар қандай давлат молия тизимининг марказий бўғинидир. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети назоратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.-№220(5135). Бет.14

Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасини ўз домига тортган молиявий иқтисодий тангликни келтириб чиқарган сабаблардан бири давлат маблағини ҳаддан ташқари кўп ва назоратсиз сарфлаш экани аён бўлган бир шароитда бу муаммо ғоятда долзарб масалага айланмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурида мустахкам тежамкорлик тизимини жорий этиб, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарҳини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини енгиллаштириш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилишнинг мустахкам чоралари қўлланилди. Шунингдек, молиявий муносабатларни тартибга солишда солиқлар, тушумлар, божларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат тизимини жорий этишда давлатнинг ролини оширишга қаратилган чоралар кўрилаётгани ўзини тўлиқ оқламоқда. Таъкидлаш жоизки, инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилган бўлиб, бунда корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишининг асосий мақсади иқтисодиётни эркинлашуви шароитида бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тўғри квалификация қилиш, ушбу ҳуқуқбузарликларни хорижий ҳуқуқбузарликлар билан таққослаш ҳамда бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш шунингдек, бюджет ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ва олдини олишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни тақдим этишдан иборат. Тадқиқот ишининг мақсадига эришиш учун бюджет қонунчилигини бузилишнинг моҳияти ва назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг хориж амалиётини ўрганиш Муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, мамлакатимизда бюджет муносабатлари ҳамданазорати Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, бюджет соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси бюджет соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий негизидир. У юртимизда бюджет қонунчилигининг умумий ҳуқуқий асосларини, Давлат бюджетининг шаклланиш ва тузилиш принциплари, уни кўриб чиқиш тартиб, шакллантириш, қабул қилиш ва бажариш тартибини белгилайди. Шунингдек, унда Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши, давлат бюджети маблағлари операцияларини амалга оширишда ҳисобга олиш ва ҳисобот, шунингдек, назорат принциплари мустаҳкамлаб қўйилган.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида харажатлар лимитига риоя қилиш ҳамда бюджет маблағларини қонуний ва мақсадли сарф этишнинг ўрнатилган тартибига риоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

Битирув малакавий ишининг предмети деб бюджет маблағлари яъни давлат бюджетига кирган ва қонунда ўрнатилган тартибда бу маблағларни олувчига ажратилган моддий ва пул маблағлари тан олиниши лозим.

Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бюджет соҳасидаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримовнинг асарлари, етук иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет соҳасидаги меъёрий ҳужжатлари илмий изланишнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджет қонунчилиги такомиллаштириш масалалари борасида алоҳида ва айрим жиҳатлари А.Ли, Э.Ҳожиёв, Ш.Билолхўжаева, Ҳ.Абдулқосимов, О.Камалов, Б.Артиков, М.Остонакулов (Ўзбекистон Республикаси), С.А.Алешина, А.М.Асадов,

Е.М.Ашмарина, Д.А.Беккерская, А.Н.Веретов, Д.В.Винницкий,
В.В.Гриценко, Е.А.Карандина, Д.А.Лисицын, А.Э.Лоскутов,
Е.М.Пастушенко, Г.В.Петрова, Е.В.Покачалова, А.А.Руденко, Г.Ф.Ручкина,
А.А.Саттарова, Э.Д.Соколова, А.Н.Туляй, Н.И.Химичева, Е.Б.Чернобровкина
(Россия Федерацияси), А.А.Нечай (Украина), А.И.Худякова (Қозоғистон
Республикаси), А.Смит, М.П.Годме, В.Гасснер, Томас Кун, К.Коттке,
Р.Саватье (Европа мамлакатлари) каби олимларнинг илмий ишларида ўз
аксини топган.

Битирув малака ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий
ишнинг умумий ҳажми кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб,
хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мазкур мавзунини ўрганиш давомида 100 дан ортиқ манбалардан
фойдаланилди.

I БОБ. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимининг ҳуқуқий асослари

1.1§ Бюджет тизими тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида белгиланади. Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағларини олувчилар йиғиндисининг бюджетларини ташкил этиш тузиш принципларини ва бошқа жараёнларда ифодаланиши белгиланган..

Бизга маълумки,, бюджет тизими ва бюджет тузилиши тўғрисида илмий адабётларда турлича қарашлар мавжуд. Айрим олимлар бюджет тузилиши деганда турли даражадаги бюджетларнинг мажмуини тушуниб, бюджет тузилиши ва бюджет тизими бир хил маънони англатади деб таъкидлашган.² Бошқа бир олимларнинг фикрига қараганда бюджет тузилишига нафақат бюджет тизимини, балки унинг тузилишини принципларини ҳам киритадилар. Бошқа муаллифларнинг фикрича, бюджет тузилиши деганда, бюджет тизими, уни ташкил этишнинг принципларини, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги муносабатлар ва улар ўртасидаги даромадлар ва харажатларни тақсимлашни тушунадилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, бюджет тузилиши тушунчасини бюджет процессини ҳам қамраб олади ва бюджет тузилишини барча даражадаги бюджетга оид функцияларни амалга оширувчи давлар органлари тизими билан тенглаштирадилар. Бундан кўриниб турибдики, бюджет тизими ва тузилиши ҳақида олимлар турлича фикрларни билдириб ўтганлар. Шундай бўлса-да барча олимлар гуруҳи бюджет тизимини бюджет тузилишига киритиб ўтаётганлигини кўришимиз мумкин. Бир қарашда бу фикрларни инкор этиб бўлмайди. Чунки, бюджет тизими билан бюджет тузилиши ўртасидаги алоқани инкор этиб бўлмайди.

² Дарслик А.Ли Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи. Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., Х.СИСламходжаев. – Т., 2004.– бет 119.

Лекин, бир нарсага эътибор бериш керакки, бюджет тизими билан бюджет тузилишини бир хил маънони англатади деб қабул қилиш ҳам нотўғридир. Таъкидлаш керакки, бюджет тизим нафақат бюджет тизимини, балки бюджетга оид бошқа элементларни ҳам ўзида қамраб олади. Давлатнинг бюджет тузилиши, бюджетларнинг турлари, уларнинг хар бир бюджет тизими, бюджетлар айрим турлари ўртасида даромадлар ва харажатлар тақсимланиши, улар функцияларининг принциплари, ваколатли ва ижроия ҳокимияти марказий ва маҳаллий органларининг ваколатларини белгилаб берадиган юридик нормаларга асосланади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бюджет тузилиши тушунчаси бюджет тизими тушунчасига нисбатан анча кенг тушунча эканлигига эътибор бериш керак. Бир нарсага назар ташлаб ўтадиган бўлсак шу нарсага амин бўламизки, бизнинг Республикамиз қонунчилигида эса ушбу тенг бўлмаган тушунчалар ўртасида тенглик белгиси қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида келтирилишича, бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Молия йили учун бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда амалга оширилади. Бюджет тизимин бюджет тизимининг ягоналиги, бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги, бюджетларининг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги, бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилик хусусияти, бюджетларининг мустақиллиги, бюджетмаблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги, кассанинг ягоналиги, бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги, очиқлик принципига асосланади.

Машхур олим А.Лининг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг хозир шаклланиш босқичида турган бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш жараёнида кўрсатилган карама-қаршиликни кўриб чиқиладиган икки тенгсиз тушунчаларни аниқ ажратиш олиш йўли билан бартараф этиш лозим. ³Бу нафақат назарий, балки нихоятда муҳим бўлган амалий аҳамиятга ҳам эгаллигини таъкитлаб ўтган. Бундан кўриниб турибдики, бюджет тизими мамлакат ҳудудида амалда бўлган ва ташкилий жиҳатдан ягона тизимга бирлашган турли даражадаги бюджетларнинг мажмуи десак ҳам тўғри фикр юритган бўламиз.

Бюджет тизими бир неча даражалардан иборат бўлиши мумкин, ушбу даражалар сони у ёки бу мамлакатнинг бюджет тузилиши билан белгиланади. Шу ўринда бир нарсага аҳамият бериш керакки, Унитар яъни ягона давлатларда масалан, Франция, Италия, Япония ва бошқа давлатларда бюджет тизими икки даражада бўлиб, улардан бири марказий бюджет бўлса, иккинчиси эса маҳаллий бюджетлардан ташкил топган. Федератив давлатларда эса яъни иттифоқ давлатларда Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Канада, Мексика ва бошқа давлатларда бюджет тизими аксинча уч даражага эга бўлиб, улар биринчиси федерал бюджет, иккинчиси федерация субъектлари бюджетлари ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Шу ўринда республикаимиз бюджет тизими ҳақида тўхталиб ўтсак. Бизнинг мамлакатимиз бюджет тизими икки даражали бюджет тизимидан ташкил топган бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган. Республика бюджети яъни марказий бюджет ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларидир. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 21-моддасида бюджет тизими бюджетлари даромадларининг таснифи даромадларни нг турлари ва манбалари бўйича қопланиш иборат бўлади. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг таснифи бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари ва даражалари таснифи,

³ Дарслик А.Ли Ўзбекисто Республикаси Молия ҳукуки. Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., Х.СИСламходжаев. – Т., 2004.– бет 119.

даромадларнинг турлари, ташкилий тасниф ҳамда ҳудудий тасниф тузилмалардан иборат: ⁴Бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари ва даражалари таснифи келиб тушаётган даромадларнинг тегишли маблағлар манбаларига ва ушбу бюджетлар даражаларига мансублигини аниқлаш учун қўлланилади. Даромадларнинг тури бўлим, параграф ва даромад типидан иборатдир. Даромадлар бўлими даромадларни уларни олиш манбалари бўйича кодлашдан иборат бўлади. Даромадлар параграфи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек солиқ бўлмаган тўловларни уларни ундириш базаси бўйича қопланиш иборат бўлади. Даромад типи бюджет тизими бюджетлари даромадининг аниқ туридан иборат бўлади. Ташкилий тасниф келиб тушаётган даромадларнинг ана шу даромадларни маъмурий жиҳатдан идора қилувчи тегишли органга мансублигини идентификациялаш мақсадида қўлланилади. Ҳудудий тасниф келиб тушаётган даромадларнинг ушбу даромадлар шакллантирилаётган ёхуд ўтказиб берилаётган тегишли маъмурий-ҳудудий бирликка мансублигини идентификациялаш мақсадида қўлланилади. Бу бюджетлар давлат иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этишининг бош услубларидан бири бўлган Ўзбекистон Давлат бюджети ягона бюджет тизимидан иборат бўлиб, республика бюджети, Қорақалпоғистон Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларни бирлаштиради. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари тўпланади.

Республика бюджети Давлат бюджетининг бир қисми бўлиб, умумдавлат хусусиятидаги тадбирларни молиялаш учун фойдаланилади, унда даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорлари, харажатлар йўналиши ва молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Давлат бюджетининг бир қисми бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й. 21- модда

ташқил этади, унда даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорлари, харажатлар йўналиши ва молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори кўзда тутилади.⁵

Маҳаллий бюджет Давлат бюджетининг бир қисми бўлиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташқил этади, унда даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорлари, харажатлар йўналиши ва молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар миқдори кўзда тутилади.

Вилоят бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Давлат мақсадли жамғармалари Давлат бюджети таркибида жамланадиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиш меъёрлари ва шартлари, шунингдек, бу маблағлардан қандай мақсадларда фойдаланилиши мумкинлиги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети жамланма бюджет ҳисобланиб, ўзида республика бюджетининг даромадлари ва харажатларини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджетларини мужассамлантирган.

Назария ва амалиёт нуқтаи назаридан жамланган бюджет тегишли маъмурий ҳудудий бирлик ҳудудидаги барча даражадаги бюджетларнинг, давлат бюджет тизимининг жамланмасидир. Шунингдек, у бюджет кўрсаткичларининг статистик жамланмаси ҳам бўлиб, даромадлар ва харажатлар бўйича, маблағлар келиб тушиши бўйича ва уларнинг мамлакат ҳудудлари ва бюджет тизими бўйича фойдаланиш учун йўналтирилишига

⁵ Ш.Б.Билолжўжаев, Ғ.Т.Ҳакимов.Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи. бакалавриятнинг 5240100 – юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., Х.СИсламходжаев. – Т., 2011.– бет 119.

доир алоҳида ажратилган маълумотларни тавсифлайди. Жамланган бюджетларнинг кўрсаткичларидан бюджетни режалаштиришда, масалан, умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга чегирмалар меъёрларини ва дотациялар ҳажмини аниқлашда, мамлакат ва алоҳида ҳудудларда яшовчи аҳоли таъминланганлигининг турли шакллари тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда фойдаланилади. Масалан, бир одамга тиббий хизмат, таълим хизмати учун бюджет харажатлари, киши бошига тўғри келувчи ўртача бюджет даромадлари, булар алоҳида ҳудудлардаги ҳолатни қиёсий таҳлил қилиш мезони ҳисобланади. Мамлакатнинг ва унинг алоҳида ҳудудларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ истиқболли молиявий режалаштиришда ҳам фойдаланиши мумкин. Бюджетни прогнозлаштиришдаги иқтисодий математик моделларни ишлаб чиқишда, шу жумладан, молиявий ресурсларни, ҳудуднинг бюджет таъминотини ҳисоблашни амалга ошириш жамланган бюджет маълумотларисиз мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига бир молия йилидан ортиқ муддатга тузилган Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қабул қилиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақли.

Давлат бюджети республика парламенти Олий Мажлис томонидан тасдиқланади ва қонун кучига эга бўлади.

1.2§ Ўзбекистон Республикасида бюджет соҳасида юзага келиши мумкин бўлган жавобгарликларни олдини олишда бюджет назоратининг ўрни

Таъкидлаш керакки, бирор бир ижтимоий ҳафли ҳаракатни амалга оширишда тўсқинлик қилишда, уларни олдини олишда ҳамда унга йўл қўймасликда кузатувни жамоа назоратини ўрни муҳим аҳамият касб этгани каби бюджет қонунчилигини бюзилишини олдини олишда ҳамунга йўл қўймасликда ҳам бюджет назоратини ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ижтимоий иқтисодий вазибаларини тўлиқ бажарилиши бевосита Давлат бюджети даромадлари хажмига ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Давлат бюджети маблағларидан фойдаланувчилар томонидан маблағларидан мақсадли фойдаланмаслик, мазкур маблағларни ноқонуний йўллар билан ўзлаштириш холлари ҳам кўзга ташланиб туради. Давлат бош ислохотчи сифатида, бюджет даромадларини кўпайтириш ва улардан устувор йўналишлар бўйича самарали фойдаланишга қаратилган муҳим ислохотлар ҳамда чора-тадбирлар амалга оширилади. Давлат бюджети маблағлари доимо аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда, албатта, бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва тўғри юритиш, бюджет даромадларини тўлиқ йиғиш, бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар ва дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айти пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Бюджет маблағларини қатъий назорат остига олиш ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишда бюджет назоратини кучайтириш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларни самарадорлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.

Агар бюджет маблағларини устидан бюджет назорати сусткашликка йўл қўйилса, ҳамда ушбу ҳаракатларни назорат қилишга беэътиборлик билан ёндашиш бюджет интизомини бузишга ҳамда турли хил иқтисодий жиноятчиликларни юзага келтиришга сабаб бўлади. Бунинг натижасида, мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилиш ҳамда давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш билан бирга, аҳоли ижтимоий ҳаётига салбий тасир кўрсатади. Шунингдек, бюджет интизомини бузиш давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга имкон бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик муҳити шаклланади,

Ўтказилаётган ислохотларни жамият идрок қилишга салбий таъсир қилади, уларни обрўсизлантиради. Бюджет муносабатларини тартибга солишда бюджет назорати муҳум аҳамият касб этади.

Бюджет соҳасида вужутга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрелда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги 403-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 августдаги “Банклардаги депозит хисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги 147-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига илова тарздаги “Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш боқармалари тўғрисида”ги низоми муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрелда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги 403-сонли қонунининг 6-моддасида келтирилишича, давлат бюджет лойихаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Хисоб палатасининг ҳулосаси билан бирга Олий Мажлис палаталарига киритилади. Давлат бюджети лойихаси фракцияларда, депутатлар гуруҳларида, Қонунчилик палатасининг кўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинади, улар давлат бюджети лойихаси бўйича, фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади. Давлат бюджет лойихасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджети лойихаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин.⁶ Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳатлар фракциялардан, депутатлар гуруҳларидан, Қонунчилик палатаси кўмиталаридан келиб тушган фикрлари ва

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрелда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги 403-сонли қонунининг 6-моддаси. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 12 апрелдаги 71 (6506)-сони.

таклифларни умумлаштиради ҳамда давлат бюджети лойихасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш масаласи бўйича хулоса таёрлайди.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойихасини, қоида тариқасида уч ўқишда кўриб чиқади. Фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг, Қонунчилик палатасининг қўмиталарининг Давлат бюджети лойихалари бўйича фикрлари ва таклифлари Қонунчилик палатаси мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Давлат бюджети лойихаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилаётганда у фракцияларнинг, депутат гуруҳларининг, Қонунчилик палатасининг қўмиталарининг келиб тушган мулохазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда маромига етказиш учун Вазирлар Маҳкамасига юборилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджети лойихасини маромига етказди ва уни Қонунчилик палатасига қайта кўриб чиқиш учун киритади. Давлат бюджетининг лойихаси бўйича қарор Қонунчилик палатаси томонидан 15 ноябрдан кечиктирмай қабул қилиниши керак. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджетини кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади. Сенатга келиб тушган Давлат бюджетини Сенатнинг бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади. Давлат бюджети юзасидан қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилиниши керак. Ушбу қонуннинг 7-моддасида келтирилишича, Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджетини ижросини бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.⁷

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагида ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш чоғида Вазирлар

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрельда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги 403-сонли қонунинг 7-моддаси. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 12 апрелдаги 71 (6506)-сони.

Маҳкамасининг хисоботи, фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларинг фикрлари ва таклифлари, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокамаси ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик хисоботни хисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай Хисоб палатасининг хулосаси билан Қонунчилик палатасига тақдим этади. Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим қилган Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик хисоботни фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджетини даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштириш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, депутатлар гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик хисобот фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмитларида муҳокама этилганидан кейин Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилади ҳамда Қонунчилик палатаси қарори билан тасдиқланади. Шунинг билан бир қаторда бюджет устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия органлари ва бунга ваколат берилган органлар томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетини назорат қилиш унинг даромад қисмида режалаштирилган тўловларнинг ҳар бир манба бўйича ўз вақтида тўлиқ

келиб тушишини таъминлаш, шунингдек, унинг харажат қисмида кўзда тутилган барча тадбирларни узлуксиз молиялаш фаолиятидир.⁸

Бюджетнинг назорат функцияси бюджет маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ва уларнинг мақсадли ишлатилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига келтирилишича, бюджет назорат объектларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари киради.⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига илова “Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида”ги низомига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг вазифаларига қуйидагилар юзасидан давлат назоратини амалга ошириш киради:¹⁰

⁸Ш.Б.Билолжўжаев, Ғ.Т.Ҳақимов.Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи. бакалавриятнинг 5240100 – юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., Х.СИсламходжаев. – Т., 2011.– бет 143.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й. 21 модда.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига илова “Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш боқармалари тўғрисида”ги низоми. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда.

Ушбу қонунга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг бир неча ташкилий тузилмалари бўлиб улардан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси ўзига хоз хусусиятга эга бўлиб бу тузилмани ҳуқуқ мажбуриятлари билан биргаликда вазифалари ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Унга кўра ушбу тузилмани қуйидаги вазифалари белгиланган:

тегишли бюджетларнинг ижроси бўйича ҳудудий молия органлари ва фазначилик бўлинмалари фаолияти юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини амалга ошириш учун марказлаштирилган манбалардан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;¹¹

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширишнинг навбатлилиги, тўлиқлиги ва муддатларига риоя этилиши, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларга нақд пул берилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари учун кам таъминланган оилаларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш ҳамда давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан текширишлар ўтказиш ва бюджет интизоми устидан назоратни амалга ошириш вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Бюджет ҳуқуқбузарликни

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига илова “Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида”ги низоми. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда

олдини олмаслик ахоли қатлами ўртасида боқимандаликни ва норозиликни келтириб чиқаради.

Шу боисдан давлат бюджетининг шаклланган даромадлари ҳисобидан амалий маблағлар йўналтириш ва тўғри тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия Вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман молия бўлимлари мудирларининг зиммасига бюджет харажатларини молиялаштиришнинг янги тартибига биноан қуйидагилар юклатилган:¹²

тасдиқланган бюджет параметрлари ва харажатлар сметалари доирасида биринчи ва иккинчи гуруҳларга киритилган тўловларни биринчи навбатда ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш;

учинчи гуруҳ бўйича капитал қўйилмалар харажатларини инвестиция дастурига киритилган объектларнинг манзилли рўйхатлари бўйича ўрнатилган молиялаштириш режалари доирасида амалга ошириш;

харажатларнинг тўртинчи гуруҳига киритилган устивор тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармонлар сотиб олиш;

харажатларини биринчи ва иккинчи гуруҳ туловлари тўлиқ амалга оширилгандан кейингина молиялаштириш ҳамда бошқа моддалар бўйича харажатларни капитал қўйилмалар, сафар ва ўқув харажатлари, коммунал хизматлар, хўжалик харажатлари, юмшоқ ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш, капитал таъмирлаш ва бошқа харажатлар юқоридаги тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг даромадлар тушумига қараб молиялаштириш каби кетма кетликни белилаб қўйган.

Бугунги кунда бюджетни назорат қилувчи органларининг мураккаб тизимга эгаллиги ва назорат фаолиятида ўз ўрнида ишлаши натижасида бюджет интизомини бузилиши ва бюджет харажатларини молиялаштириш

¹²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига илова “Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш боқармалари тўғрисида”ги низоми Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда

билан боғлиқ бўлган қонунбузарликлар йил сайин камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг ҳамкорликдаги ишлари дастурига асосан бюджет ташкилотларида бюджет қонунчилигига риоя этишга оид назорат тадбирлари тизимли равишда амалга оширилмоқда ва бу ўз натижасини бериб келмоқда.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг бозор талабларига жавоб бера оладиган миллий бюджет тизими шакллана бошлади. Авваламбор, бюджет тизимининг ҳуқуқий асоси бўлган Конституция қабул қилинди, бюджет сиёсатининг институционал асослари бўлган давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқий мақоми, молия-бюджет сиёсати соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилди.

Конституцияда мустақамланган маҳаллий ҳокимиятларининг мустақиллиги, бюджет соҳасида қатъий ўзгартиришларни ва давлат бюджети ижросининг назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш йўналишларини тадқиқ этишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг бозор талабларига жавоб бера оладиган миллий бюджет тизими шакллана бошлади. Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги шароитидан келиб чиққан ҳолда бюджет назоратини такомиллаштиришнинг муҳим хусусиятли томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий соҳа ҳаражатларини ўз вақтида ва керакли миқдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли бўлган тушумни таъминлаш;

Иккинчидан, аҳолини биринчи навбатидаги эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш;

Учинчидан, ишбилармонлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратиб бериш зарурдир.

Давлат бюджети назорати тизими жорий этилиши билан молиявий назоратнинг дастлабки ва жорий шакллари самарадорлиги кескин орттирилиши таъминланди. Шу билан айтишимиз мумкинки бугинги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет соҳасидаги ислохатлар натижаси шуни кўрсатадики, бугинги кунда мамлакатимизда кучли бюджет назорати ўрнатилганлик ва бюджет интизомига риоя қилиш соҳасидаги қатъиятлик бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда хизмат қиляпти десак тўғри фикр юритган бўламиз.

II БОБ. Бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликнинг назарий-ҳуқуқий асослари

2.1§ Жавобгарлик тушунчаси, белгилари ва турлари

Инсоният дунёга келар экан маълум бир тартиб қоидалар ўзаро белгиланган. Аниқроқ қилиб айтганда, инсон яратилиши натижасида уларнинг бевосита ва билвосита ўзаро муносабатларида ҳамда улар ўртасида келиб чиққан низолар ва ижтимоий муносабатларини тартибга солиш учун маълум бир қоидаларга ёки тартибларга эҳтиёжлар сезиларли даражада ошиб борган. Бу албатта ўзларини аниқ бир қонунларни ҳамда уларда кўрсатилган ҳаракатлари учун жавобгарлик масалаларини белгилашга олиб келган. Жавобгарлик-бу ахлоқ қоидаларига зид ҳаракатларни бажариш натижасида бирор бир объект ёки шахсга маълум бир миқдорда зарар етказганлиги учун жавоб бериш демакдир. Ҳуқуқ ва ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик моҳияти ва тартиби бўйича бир-биридан фарқ қилади. Ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари оддий жавобгарликни келтириб чиқарибгина қолмай, балки махсус-юримдик жавобгарликни ҳам юзага келтиради. Айни пайтда жазо тайинлаш тартиби қонун билан қатъий белгилаб қўйилади. Ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик мутлақо бошқа оқибатларга олиб келади. Бу ерда аниқ бир жазо чораси кўзда тутилмайди. Шунингдек, ҳуқуқий жавобгарлик, яъни юримдик жавобгарлик ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш демакдир. Бу чоралар шахсий, мулкий, ташкилий тусда бўлиши мумкин.

Юримдик адабиётда кўп ҳолларда «жавобгарлик» атамаси заминида юримдик мажбуриятларнинг турли-туманлилиги кўрсатилади. Юримдик жавобгарликка умумий назарий нуқтаи-назардан ёндашиш бундай тушунишнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Фанда шу нарса умумий равишда тан олинганки, жавобгарлик юримдик оқибатларнинг турли хил кўриниши бўлиб, маълум фактлар мавжуд бўлганда келиб чиқади; бу ҳуқуқ

нормаларининг ижтимоий муносабатларнинг субъектларига муайян ҳуқуқларни бериш ва уларга тегишли мажбуриятларни юклаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга соладилар. Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаришдан бошқа ҳеч қандай ўзга оқибатларни назарда тутмайди. Юридик жавобгарлик ҳам бундай мажбуриятларнинг кўриниши ҳисобланади.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилишдан шу нарса келиб чиқадики, ҳуқуқ нормалари юридик оқибатнинг кўриниши бўлган жавобгарликнинг келиб чиқишини ҳуқуқ томонидан салбий баҳоланадиган юридик фактлар билангина баҳолайди. Жавобгарлик ўз мазмунига кўра, бошқа мажбуриятлардан фарқ қилади, бу ҳамма вақт субъектнинг зиммасига юклатилган, субъектга зарар келтирадиган мажбурият бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини чеклайди ва муайян ҳуқуқдан маҳрум бўлишларга олиб келади.

Юридик жавобгарлик содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат ҳокимият хусусиятидаги маълум маҳрумликларга дучор бўлишидир.

Юридик жавобгарлик–ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ноқулай оқибатларга бардош бериш мажбурияти ижтимоий жавобгарликнинг туридир¹³

Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

Юридик жавобгарлик мураккаб, кўп жиҳатли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, бу тушунча унинг моҳияти ва мазмуни ҳақида ҳуқуқшунослик фанида бахслар кетмоқда. Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида юридик жавобгарликни кенг маънода тушунишни, яъни субъект ҳуқуқий соҳадаги ўз хулқ атворини, унинг оқибатларини, ижтимоий аҳамиятини англаб этиш маъносида тушунишни таклиф этмоқдалар.

Юридик. жавобгарлик қуйидаги ўзига хос белгилар билан ажралиб туради. Унинг давлат мажбурлови билан ажралмас даражада боғлиқлиги,

¹³ С.Раззоқов, Н. Имомов, И. Кувайтов Юридик энциклопедия Тошкент “Шарқ”, 2001.й.570-бет.

бундай боғлиқлик шунда намоён бўладики, юридик жавобгарлик давлат томонидан ўрнатилади ва юридик нормаларда ифода этилганидек, ҳокимият талабларидан четга чиққан айбдор шахсларга нисбатан ташқи, мажбурий таъсирнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Юридик жавобгарлик айрим хатти ҳаракатта нисбатан жавоб сифатида алоҳида ҳолларда қўлланилади. Шунинг учун, қоидага кўра у ҳуқуқбузарлар учун қўлланидиган катъий чеклашлар билан боғланган.

Юридик жавобгарликнинг давлат мажбурлов табиати шу нарсадан ҳам намоён бўладики, у ҳуқуқ нормаларининг санкцияларида белгилаб қўйилган, у фақат давлат ва унинг органлари фаолияти воситасида амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда, жавобгарликни кўзда тутувчи баъзи фуқаролик ҳуқуқий санкциялари эркин равишда, яъни давлатнинг ваколатли органлари томонидан аниқ мажбурлаш чораларини қўлламаздан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига хавф туғдиришга қодир хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиради ва унинг бузилишига сабаб бўлади. ¹⁴Ҳуқуқбузарлик қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида бўладиган, ҳуқуқ қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига етказиладиган моддий ва маънавий зарар ёки хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизликдир.

Ҳуқуқбузарлик ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарлик жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли характерга эгаллиги;

¹⁴ Собуров, Н. Нажимов. М. Давлат ҳуқуқ назарияси/ Ўқув услубий қўлланма.-Т., ТДЮИ, 2012 й. бет 108

хуқуқбузарлик хуқуққа қарши характерга эга;
хуқуқбузарлик айбли кмлмишдир;
хуқуқбузарлик фақат кишилар томонидан содир қилинади;
хуқуқбузарлик кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ихтиёрий амалга оширилади ва ҳоказо.

Юридик жавобгарликнинг амалдаги асоси шундай хуқуқбузарлик, яъни ички ва ташқи ҳаракатларининг бирлигини мужассамлаштирган хатти ҳаракат сифатидаги акт бўлиши мумкин. Бу нарса шуни билдирадики, хуқуқий кўрсатмаларни бузишда айбдор бўлган шахсина хуқуқий жавобгарликнинг субъекти бўлиши мумкин.

Юридик жавобгарлик давлат томонидан айблаш, хуқуқбузарнинг хулқ атвори учун танбеҳ бериш билан боғлиқ. Давлат томонидан айблаш бир қатор хусусиятларга эга бўлган кенг тушунча ҳисобланади.

Юридик жавобгарлик ҳамма вақт хуқуқбузарга нисбатан маълум салбий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Юридик жавобгарликни хуқуқбузарлик қилган шахс учун белгиланган қийинчиликлар ва маҳрум этишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Умумий атамаларга хос нуқтаи назардан туриб айтиш мумкинки, ҳар қандай ёмон натижа салбий оқибатдир, ушбу маънода ҳар қандай хуқуқий санкцияни, жумладан, олдини олиш ёки тиклаш воситаларини кўзда тутадиган санкцияни қўллаш қандайдир маҳрумликлар, чеклашларнинг келиб чиқиши, манфаатларнинг камайтирилиши билан боғлиқ.

Жавобгарликнинг моҳияти унинг қандайдир бир маҳрумликлар, чеклашлар билан қўшиб олиб борилишида эмас, балки бу маҳрумликларнинг хусусиятида намоён бўлади.¹⁵ Шу нарса назарда тутиладики, улар жарима солиш хусусиятига эга бўлиб, хуқуқбузарнинг шахсига қаратилган. Жавобгарликни юклаш даврида келиб чиқадиган жарима солиш тартибида маҳрум қилиш ўз-ўзидан келиб чиқадиган мақсад эмас. Улар восита сифатида майдонга чиқади, улар ёрдамида хуқуқбузарликнинг умумий ва

¹⁵ Собуров,Н, Нажимов. М. Давлат хуқуқ назарияси/ Ўқув услубий қўлланма.-Т., ТДЮИ, 2012 й. бет 109

хусусий тарзда олдини олишга эришилади, қонунчиликни бузишга йўл қўйган фуқароларни қайта тарбиялаш вазифалари амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади.

Давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юридик жавобгарлик турли асосларга кўра бир нечта турларга бўлинади. Жавобгарликни юклайдиган органлар бўйича юридик жавобгарликнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- давлат ҳокимияти органлари томонидан юкланадиган юридик жавобгарлик;

- суд ва бошқа юридик органлар томонидан юкланадиган юридик жавобгарлик;

- маъмурий органлар томонидан ҳуқуқбузар зиммасига юкланадиган юридик жавобгарлик;

Юридик жавобгарлик қайси соҳага тегишлилигига, ҳуқуқбузарликнинг қайси тури содир этилганлигига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

- жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик;

- маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик;

- фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик;

- интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик фуқаролар томонидан ижтимоий ва давлат тузумига, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ва ҳоказоларга қарши тажовуз қилинганда келиб чиқади. Жиноят кодексида кўзда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади. Жиноий жавобгарликка Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида қуйидагича

таъриф берилган: "Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишдир.¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида жазо турлари келтирилган бўлиб, уларнинг қуйидаги турлари мавжуд

- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- қамок;¹⁷
- интизомий қисмга жўнатмш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- озодликни чеклаш;

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга бошқарувнинг ўрнатилган умумтартиб қоидаларини бажармаслик, йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун қужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва

¹⁶ Ўзбекистон РеспубликасинингЖиноят кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й. 42 модда

¹⁷ Ўзбекистон РеспубликасинингЖиноят кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.42 модда. 2 банд

жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади¹⁸.

Ушбу Кодексга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун кўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- жарима;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб кўйиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ёки ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- маъмурий қамоққа олиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2,5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин¹⁹.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқароларнинг, шахсларнинг мулкӣ муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказганлик ҳолатларида белгиланади.²⁰

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқаларда назарда тутилган ҳолатларда

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябрда ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.10 модда

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябрда ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.10 модда 2,5 бандлари

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2015 йил 1 октябрда ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.10 модда

қўлланилади. Интизомий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодексига, ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда туғилади.²¹

Интизомий ҳуқуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва шу каби ҳоллар киради.

Жиноий ва фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга куйидагилар киради:²²

- ақли норасолик;
- зарурий мудофаа;
- охирги зарурат;
- ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарликлар

содир этилганда.

Юридик адабиётларда ҳимоя чоралари юридик жавобгарлик билан тез-тез тенглаштириб турилади. Жавобгарлик, биринчи навбатда, ўзининг асосий йўналиши бўйича ҳуқуқбузарга қаратилгандир, ҳимоя эса, фақатгина ҳуқуқий кўрсатмаларни бузувчига эмас, шунингдек, вакил қилинган шахсга ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа турларини фарқлаш назарий жиҳатдан ташқари, катта амалий аҳамиятга ҳам эга. У шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсир ўтказишнинг энг мақсадга мувофиқ ва қонуний воситасини танлаш имконини беради.

²¹ Собуров.Н, Нажимов. М. Давлат ҳуқуқ назарияси/ Ўқув услубий қўлланма.-Т., ТДҲОИ, 2012 й. бет 108

²² Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.42 модда.2 банд

2.2§ Бюджет қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

Давлат ҳокимияти ҳамда ҳуқуқий ҳаёт ҳодисалари барча даврда долзарблик масала сифатида касб этиб келганлиги барчага аён. Бу воқеликлар мустақил Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, янги демократик давлатчилик биносини барпо этаётган жамиятимиз давлат, демократия, ҳуқуқ, қонунчилик, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари каби қатор категориялар мазмун-моҳиятини қайта мушоҳада этишга муҳтож эди. Вақтлар ўтган сари Мустақиллик тафаккурининг маҳсули сифатида бу борада янгича назарий қарашлар қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов талқинида давлат ва ҳуқуқ янгича тавсифга эга бўлди. “Демократия шароитида, деб таъкидлайди юртбошимиз, давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб интзмомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади».²³

Бугунги ўзбек жамияти ўзи учун ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, демократик фуқаролик жамияти, сиёсий хурфикрлилик, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устуворлиги, мустақил суд ҳокимияти каби фундаментал тушунчаларни қайта кашф этмокда.

Тан олиш лозимки, жамият ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётини замонавий маърифий тамойиллар асосида ислоҳ этишда давлат ва ҳуқуқ, бениҳоя катта роль ўйнайди. Шу боис давлат тузилиши, демократик сиёсий тузилишнинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар оқилона тизимининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги давлат-ҳуқуқий институтларининг фаолиятига боғлиқдир.

²³. Каримов И. А Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том .-Т. Ўзбекистон », 1996.й. 20-бет

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислохотлар мустаҳкам ҳуқуқий заминга таянган ва қатъий давлат сиёсий таъминланиш механизмларига эга бўлгандагина самарали бўлиши исбот талаб этмайдиган аксиомадир. “Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, дейди И.А.Каримов. ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин”²⁴ Айни вақтда, давлатнинг фаол ташкилотчилик ва ижобий бунёдкорлик ролига ҳам алоҳида урғу берилади.

Мустақиллик йиллари мобайнида юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўпгина ишлар қилинди. Республикада давлат идораларининг, шу жумладан, ҳуқуқий муассасаларнинг изчил тизими шакллантирилмоқда. Демократик институтларни ҳаётимизга олиб кирувчи ва бозор муносабатларини маърифий шаклда жорий этишга имкон берувчи қонунлар тўплами яратилмоқда. Ҳозирги вақтда янги иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўғинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топтирувчи, бир сўз билан айтганда, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 500 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги ўтган мустақил ривожланиш давримиздаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожи бўлди.

Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг буюк рамзи, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Жабобгарлик ахлол қоидаларига зид ҳаракатларни бажариш натижасида бирор бир объект ёки шахсга маълум бир миқдорда зарар етказганлиги учун жавоб бериши демакдир. Маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик эса, ҳуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга

²⁴ Каримов И. А Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том .-Т. Ўзбекистон », 1996.й. 20-бет

бошқарувнинг ўрнатилган умумтартиб қоидаларини бажармаслик, масалан, йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради.²⁵ Шу ўринда бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни изоҳлаймиз. Бизга маълумки, бюджет қонунчилиги, бюджет соҳасида вужудга келадиган барча муносабатларни ўзида жамлайди.

Шу ўринда бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчасининг ҳуқуқий табиатига тўхталиб ўтсак. Бюджет интизомини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланган. Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет интизомини бузиш деганда Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга йўналтириш, бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штат интизомини бузилиши, ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалға оширувчи муассасаларға пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир ҳолатда бюджет интизомини бузилган ҳисобланади²⁶. Ушбу ҳолатлар юзаға келган вақтда

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.10 модда

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й. 187, 188, 189 моддалари.

маъмурий жазовобгарликка тортишга асос бўлади. Маъмурий жазовобгарликка тортишга қўлланилганидан кейин яна ушбу ҳолат такроран содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Бизга маълумки, бюджет интизомини бузиш-бюджет талабларига риоя этмаслик натижасида бюджетда асосий тақчиллик пайдо бўлиши, талаб қилинган воситалар, маблағлар билан мухтож бўлган муассаса ташкилотларнинг ташкилотларнинг таъминланмаслигига олиб келади. Бюджет интизомини бузиш давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга имкон бермайди. Бюджет интизомини бузиш фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қастдан бўйин товлашда ифодаланади²⁷. Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитларидан ортиб кетиши, смета-штатинтизомини бузиш деб этироф этилади ва маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Бюджети тақчиллиги муайян даврда Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетишидир.

Бюджет тақчиллиги стратегиясини ишлаб чиқиш уни маълум чегарада тартибга солишда ушбу ҳолатларга аҳамият қаратиш талаб этилади.

Бюджет тақчиллиги ёмон, лекин бунинг аксини давлат и иқтисоли ва молиясида уни арифметик операциялар орқали бартараф этишда кўрилади, ёки бунда иқтисодни даволаш ўрнига “касалликни яшириш” шаклига кирилса, унга қарши курашиш анча қийинлашади.

Бюджет баланси ва бюджет даромадларини харажатдан устун бўлиши, соғлом ривожланаётган иқтисодга хос бўлган сифат деб қарамаслик керак, жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, жамият ривожланишининг

²⁷ Ўзбекистон Республикаси юридик Энциклопедияси. 2000.й. Т 92 бет.

босқичларида ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларда бюджет камомоди бўлиши мумкин.

Бюджет камомадини миқдори жаҳон тажрибалари маълумот беришича, маълум чегарадан ялпи ички маҳсулотнинг 2-3 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.²⁸

Бюджет камомадини йўқотиш учун аввало иқтисодий “даволаш” унинг динамик самарасини сезиларли таъминламасдан туриб, молиявий барқарорликка эришиш мумкин эмас, ҳар қандай прогресс усулларга қарамадан Давлат бюджетининг ҳафли камомад миқдorigа қарши курашишда қайси усулни қўллашни аниқлаш лозим.

Бюджет тақчиллигини тартибга солишни 4 та усули бор.:

- Бюджет харажатларини камайтириш;
- Бюджет дароматларини кўпайтириш;
- Давлат харажатларини молиялаштиришда қоғоз пулларни чиқариш.
- Қарз олиш ва заёмлар чиқариш.

Бюджет даромадларини кўпайтириш бюджет тақчиллигини қоплашнинг энг аъло усули бўлиб, бюджетга қўшимча дароматларни шакллантириш хўжалик субъектлари билан фуқароларнинг даромадлари миқдори ҳам тез суратда ўсади. Шу билан бирга инфляция туфайли бюджет харажатлари ҳам ўсади. Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, бюджет харажатлари солиқ тушумларига нисбатан тез ўсади, оқибатда тақчиллик камайиши ўрнига, аксинча кўпаяди. Бюджет камомадини қоплашнинг яна бир усулларидан бири таъминланмаган қоғоз пулларни муомалага чиқаришдир. Иқтисодиётни аниқ эҳтиёжларидан кўпи нақд ва нақдсиз пулларни муомалага чиқариш бюджет балансини вақтинчалик яхшиласада, лекин келажакда катта иқтисодий қийинчиликлар туғдиради.²⁹ Албатта давлатга қоғоз пуларни чиқариб, офицер, врач, ўқитувчиларга иш хақи тўлаш

²⁸ Б.А.Жўраев Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг рўли. Диссертация. Т.-2010й.13 бет

²⁹Б.А.Жўраев Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг рўли. Диссертация. Т.-2010й.16 бет

кийин эмас. Шу захоти бахолар кўтарилиб кетади ва инфляция вужудга келади.

Бюджет сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишда корхоналарда солик юкини пасайтириш билан инфляция даражасини ўсиш темпига ва камомад ҳолатига, ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат қимматли қоғоз шаклида молиявий бозорни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Марказий банк томонидан муомаладаги пулнинг бир қисмини олиб қўйиш орқали давлат мулки эгаллиги шароитида тижорат банклари хусусий фирмаларга берадиган кредит дароматидан маҳрум бўлади.

Бундан ташқари, ҳукумат Марказий банк орқали кредитлашга давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғланган. Молия вазирликлари қарзларини тўлаш учун ссудалар олиши, муҳрлаш стоногининг қўшимча юкидир, пул кредит эмиссияси миқдорини ўсишидир.

Бизга маълумки, мамлакатимизда қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартиб қоидаларга бэътибор муносабатда бўлиш ва унга беписандлик билан қараш, шунингдек, белгилаб қўйилган қоидаларга риоя қилмаслик учун моддий, интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарликлар белгиланган бўлиб, бюджет интизомини бузганлик учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175²-моддаси бюджет интизомини бузганлик учун жавобгарлик деб номланган бўлиб, унга кўра Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штатинтизомини бузилиш ҳолатлар аниқланган ҳолатларда мамуриш иш қўзғатиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан маъмурий

жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.³⁰ Ушбу ҳолат маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин яна содир этилса жиноий жавобгарликка сабаб бўлади ҳамда ушбу ҳолат яна такрорланса Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 184¹ моддаси билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

2.3§ Бюджет қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Бизга маълумки, бюджет интизомини бузиш-бюджет талабларига риоя этмаслик натижасида бюджетда асосий тақчиллик пайдо бўлиши, талаб қилинган воситалар, маблағлар билан мухтож бўлган муассаса ташкилотларнинг таъминланмаслиги. Бюджет интизомини бузиш давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга имкон бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик мухити шаклланади, ўтказилаётган ислохотларни жамият идрок қилишга салбий тасир қилади, уларни обрўсизлантиради. Шу ўринда бюджет қонунчилигини бузиш тушунчаси ҳақида маълумот бериб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 187, 188, 189, 190, 191-моддаларида келтирилган тартиб қоидаларини бузиш, бюджет қонунчилигини (бюджет интизомини) бузиш деб этироф этилади Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш (улардан фойдаланиш) шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга йўналтириш;³¹

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.175² модда.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й. 187, 188, 189, 190, моддалари

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик;

бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалга оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктириш;

нотўғри маълумотлар асосида ва нормативларга нисбатан ошириб кўрсатилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни харажатлар сметасига киритиш;³²

ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сонига, ходимларнинг тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига риоя этмаслик;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этмаслик;

тарификация рўйхатларини тузишнинг белгиланган тартиби ва нормативларига риоя этмаслик;

бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги, бюджет ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг маълумотларига номувофиқлиги, бюджет ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда операциялар ва мол-мулкнинг тўлиқ акс этирилмаганлиги;

Бюджет ҳисобини ва молиявий ҳисоботни юритиш тартибини бузиш Молия органларига бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик бюджет сўровини, рўйхатдан

³² Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.188-модда.

Ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузишдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184¹-моддасида бюджет интизомини бузганлик учун жавобгарлик келтирилган. Унга кўра, Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга йўналтириш, бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета штатинтизомини бузилиши, ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалға оширувчи муассасаларға пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир ҳолатда бюджет интизомини бузилган ҳисобланади шунингдек, ушбу қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса Жиноят кодексининг 184/1-моддаси билан жавобгарликка тортилиши га сабаб бўлади ³³

Бюджет интизомини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги мазкур жиноят содир этилиши натижасида бюджетда асоссиз такчиллик пайдо бўлишида ёрдамға мухтож муассаса ва ташкилотларни талаб қилинган воситалар маблағлар билан таъминламаслик учун хакикий асос пайдо бўлишида ифодаланади. Шархланаётган жиноятнинг содир этилиши давлат маблағларини самарали тўлик натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишға йул

³³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й. 184¹- модда

бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида катламлари орасида бокимандалик норозилик кайфияти шаклланади бу эса Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг жамият томонидан идрок қилинишига салбий таъсир ўтказди уларни обрўсизлантиради.³⁴

Жиноятнинг бевосита объекти харажатлар лимитига риоя қилиш бюджет маблағларини қонуний ва мақсадли сарф этишнинг ўрнатилган тартибига риоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир³⁵.

Бюджет интизомини бузиш предмети деб бюджет маблағлари яъни давлат бюджетига қирган ва қонунда ўрнатилган тартибда бу маблағларни олувчига ажратилган моддий ва пул маблағлари тан олинishi лозим.

Бюджет маблағларини ажратиш деганда олувчига моддий ва пул маблағларини бевосита йуналтириш ҳамда унга тегишпи бўлган воситаларни мақсадли ишлатиш шарти билан бюджетга ўтказишга руҳсат тушунилади.

Жиноят кодекси 184¹-моддасида содир этилган жиноят учун назарда тутилган жавобгарлик жинояти объектив томондан қуйидаги ҳаракатлардан бири содир этилганидан иборат:

бюджетда назарда тутилмаган ёхуд бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотлар бюджети ва сметасида назарда тутилмаган чиқимларга бюджет воситаларини йуналтириш;

чиқимлар буйича бюджет маблағлари лимитида ошиб кетиш ҳамда чиқимлар буйича бюджет маблағлари лимитида ошиб кетиш ва бюджет муассаса ва ташкилотларда смета-штаттартибини бузиш.

Бюджетда ёки бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ёки ташкилотлар сметасида назарда тутилмаган чиқимларга маблағларни йуналтириш бюджет маблағларини сарфлаш навбатининг ўрнатилган тартибини бузиш ёхуд уларни мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда истеъмол

³⁴ Ўзбекистон Республикаси юридик Энциклопедияси. 2000. Т 92 бет

³⁵ М.Ҳ.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Олий Таълим муассасалари учун.дарслик.Т.,. 2010.-бет 191

килиш. ³⁶ Масалан паст нархли ва маиший предметларни ишлаб чиқариш учун ажратилган машинасозлик асбоб ускуналарини ишлатиш ёхуд куйи ташкилотлар эҳтиёжи учун ажратилган оргтехникани бошқарув ташкилотлари учун йуналтиришдир.

Шуни кайд этиш лозимки, Ўзбекистонда конунчилик томонидан харажатларнинг куйидаги тўрт гурухи давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

1. Иш хаки ва унга тенглаштирилган тўловлар яъни, болали оилаларга нафакалар ва камтаъминланган оилаларга моддий ёрдам стипендиялар ва бошкалар;

2. Иш хакига кўшимчалар;

3. Капитал куйилмалар, яъни Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ руйхатларга мувофик;

4. Бошка харажатлар.

Харажатларнинг I ва II гурухларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Харажатларнинг III гурухи бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида маблағ билан таъминланади.

Бошка харажатлар гурухи бўйича маблағлар белгиланган бўлиб, лимитлар доирасида навбатга риоя қилган холда сарфланади.

Бюджет маблағларидан шахсий бойлик орттириш ёхуд бошка ғаразли махсадлардан келиб чиқиб бюджетда ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йуналтирилганда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 184-моддасининг 1-қисми ҳамда 167-моддаси билан ва тегишли билан квалификация қилиниши лозим.

Бюджет маблағлари бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган

³⁶ М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Олий таълим муассасалари учун. дарслик.Т.,. 2010.-бет 189

харажатларга йуланганда ва тезкор тадбирлар сабабли юзага келмаган йуналишда сарфланса бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш деб тан олинади.

Бюджет давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамгармаси бўлиб унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йуналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Смета бу ташкилотларни таъминлаш ҳамда хўжалик ва маданий кўрилиш буйича марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан бериладиган маблағларнинг миқдори мақсадли йуналиши ва чораклар буйича тақсимланишини белгилаб берувчи асосий режа ажратишдир.³⁷

Бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йуллаш амалда мақсадсиз фойдаланилган ёки харажат қилинган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят деб тан олинishi лозим.

Бу маблағларни кейинчалик мақсадсиз фойдаланиш ёки йуналтириш мақсадида тақсимлаш эса ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, шарҳланаётган жиноятга тайёргарлик кўриш ёхуд уни амалга оширишга суикасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим.

Жиноят предмети сифатида бюджет маблағларининг алоҳида: турлари бюджетдан маблағ ажратиш ҳисобланиб уларнинг тушунчаси қонунчиликда берилади.

Бюджетдан маблағларажратиш харажатлари лимити деганда тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағларнинг бир тури объекти ва объект ости харажатлар буйича фойдаланиш миқдори

³⁷ Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромодида бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, шаҳар ва туманларининг маҳаллий бюджети қармоғида бўлган муассасаларнинг харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Йуриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 февралда 888-Сон билан давлат руйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 декабрда 101-сон билан тасдиқданган), 3-банд. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон.

тушунилади. Режалаштирилган ва амалда килинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқ бюджет муассасаси ёки ташкилоти ички ҳисобларидир.

Бюджет ташкилоти ривожланиш фонди маблағлари ҳисобидан қўлланганда ҳам бюджетдан маблағлар ажратиш лимитларини ошириш деб топилади. Агар харажатларнинг бутун тегишли гуруҳи доирасида лимитдан ошириш бўлмаса яъни битта тур объект ва объектости харажатлар буйича бюджет пул маблағларини сарфлашда сметада назарда тутилган хажмлар бошқа турдаги объект ва объектости харажатларга ажратилган режали пул маблағлари ҳисобидан копланганда ҳам харажатларнинг ушбу гуруҳи буйича кредиторлик қарзи ҳамда харажатлар лимити оширилган деб ҳисобланмайди.

Бюджетдан маблағлар ажратиш харажатлари лимитини оширишни тегишли гуруҳда режалаштирилган ва амалда килинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлган пайдан тугалланган жиноят деб ҳисобланади.

Бюджет маблағларини бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йуналтиришни бюджетдан маблағлар ажратиш лимитини оширишдан фарқлаш лозим. Бюджет маблағларини йуналтириш бу тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларни маблағлар билан таъминлашдир. Бюджет маблағларини ошириш эса тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган режалаштирилган ва амалда килинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлишини назарда тутаяди. Бундан ташқари бюджет маблағларини йуналтиришда мазкур маблағлар нафақат пул маблағларида балки моддий қадриятларда ҳам ифодаланиши мумкин бироқ бюджетдан маблағлар ажратишни амалга оширишда жиноят предмети фақат пул маблағларлари бўлиши мумкин.

Смета-штат интизоми Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган сметаларни ҳамда бюджет ташкилот ва муассасаларининг ходимлари штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш тасдиқлаш ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартибидир³⁸.

³⁸ М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар.махсус қисм.Т.,–“илмзиё “2006. й. Бет.231.

Штат жадвали мулк эгаси ташкилот рахбари ёхуд юкори орган тасдиқдайдиган доимий ходимлар мансаблари номи рўйхатидир. Бунда бир номли мансаблар сони ҳамда мансаб маошлари миқдори кўрсатилади.

Тарификация рўйхати бу бюджет ташкилот штатида маълум мансабларни эгалловчи муайян шахсларнинг тарификациясини кўрсатиб, яъни ушбу ходимларда аттестация натижаларига кўра уларнинг иш вақти асл ҳажмига кўра берилган тегишли малакавий категорияси мавжудлигини ҳамда уларнинг мансаб маоши миқдорини кўрсатган ҳолда тўзилган рўйхат.

Смета-штат интизоми бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган сметаларнинг ҳамда бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш тасдиқлаш ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартибига риоя қилмаслиқдир¹. Хар бир ҳолатларда смета-штатинтизоми бўзилишида айнан қайси қонун ҳужжати бузилганлигини хар бир аниқ ҳолатларда аниқлаш лозим.³⁹

Бюджет интизомини бузиш қонунда формал таркибли қилмиш сифатида ифодаланган яъни бюджет интизомини бузиш ижтимоий ҳавфли қилмиш деб тан олинмиши учун мажбурий белги сифатида оқибатнинг мавжудлиги талаб қилинмайди. Бирок бу оқибатлар суд томонидан хар бир алоҳида ҳолатда жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

ЖК 184¹-моддасида тутилган қилмишлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган деб ҳисобланади.

Субъектив томондан таҳлил қилинганда ушбу жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишларининг ижтимоий ҳавфлилигини англайди ва уни содир этишни хоҳайди.

Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ва бюджет маблағларини тақсимлаш ҳамда сарфлаш шунингдек, смета-штат интизомига риоя этилиши учун масъул бўлган шахсдир. Қонунчиликка мувофиқ; бундай шахслар бюджет

³⁹М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар.маҳсус қисм.Т.,—“илмзиё “2006. й. Бет.232.

ташкiлотларининг рахбарлари ва бош бухгалтерлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг ваколатли ходимлари шу жумладан Молия вазирлиги рахбарлари ва марказий аппарати ходимлари хисобланади.

Бюджет ташкiлоти деганда зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағини молиялаштиришнинг асосий манбаи хисобланадиган вазирлик давлат кўмитаси идора давлат ташкiлотини тушуниш лозим⁴⁰.

Агарда бюджет интизомини бузиш ўзганинг мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса айбдорнинг харакатларини ЖК 167- ва 184¹-моддалари буйича квалификация килиш лозим.

Мазкур килмишнинг предметини хисобга олиб фукароларнинг иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам ушбу жиноят объекти сифатида тан олиними зарур.⁴¹

Бюджет интизомини бузишнинг бу шакли предмети сифатида бюджет ташкiлотларининг қонунда кўрсатилган харажатларнинг факат иш хаки нафақа стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар каби моддалари хисобланади.

Нафақа ижтимоий таъминлашнинг шакли у ижтимоий суғурта ёхуд давлат бюджети маблағларидан доимий ёки бир маротабали тўловдир. Амалдаги қонунчиликка мувофик ишсизлик буйича нафақа икки ёшга тўлгунга кадар бола парвариши учун нафақа вақтинчалик ишга лаёкатсизлик буйича нафақа кабилар тўлови назарда тутилади.

Стипендия олий таълим муассасаларининг давлат грантлари буйича ва пулли контракт асосида кундузи ўқийдиган давомати яхши бўлган тапбаларига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда

⁴⁰ Бюджет ташкiлотларининг харажатларини молиялаштириш (тулаш) тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр- даги 414-сон қарорига илова), 37-, 38-бандлар.

⁴¹ М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кўдексига шарҳлар.маҳсус қисм.Т.,–“илмзиё “2006. й. Бет.231

тутилган бошқа тўловлардан катъи назар тўланадиган ойлик пул таъминотидир. Стипендия чуқур касбий билимларни эгаллаш ва давоматни оширишда талабаларни рағбатлантириш мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада ошириш учун зарур шароитлар барпо этиш мақсадида тўланади.

Иш хаки нафақа ва стипендияларга тенглаштирилган бошқа тўловлар деганда амалга ошириш биринчи навбатдаги ҳамма харажатларни коплашнинг бир хил даражасини таъминловчи шароитларда биринчи навбатда амалга ошириладиган қонунчиликда белгиланган тўлов турини тушуниш лозим.

Пул маблағлари беришнинг асоссиз кечиктирилиши бюджет интизомини бузиш деб тан олинувчи харажат турлари рўйхати қонунда тўлик белгиланган ва бошқача талкин қилиниши мумкин эмас.

Пул маблағлари беришни кечиктириш деганда бюджет ташкилоти ва муассасалари каби олувчиларга пул маблағлари муддатида тўлик ёки қисман ўтказиб берилмаслигини тушуниш лозим.⁴² Бунда шуни қайд этиш лозимки иш хаки нафақа стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар буйича пул маблағларини бериш муддати жамоа келишувлари ҳукумат қарорлари вазирликлар буйруқлари Марказий банк йўриқномалари билан белгиланади. Шу муносабат билан ҳар бир алоҳида ҳолатда маблағлар тўланиши шарт бўлган муддат аниқланади.

Шуни қайд этиш лозимки пул маблағларини муддатида ўтказиб бериш тўлик ёки қисман бўлиши мумкин яъни бу банк бюджет ташкилоти ёхуд муассасасига бериладиган маблағларнинг қисми дастлаб берилган-берилмаганлиги билан боғлиқдир. Хусусан агар пул маблағларининг бир қисми берилган бўлса муддатидан қисман ўтказиб бериш деб ҳисобланади.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Қорақолпоғистон Республикаси республика бюджети қарамоғида бўлган шунингдек Ўзбекистон Республикаси вилоятлари шаҳар ва тумаларининг маҳаллий бюджети қарамоғида бўлган муассасаларнинг харажатлар сметасини тузиш кўриб чиқиш ва тақсимлаш тўғрисидаги Йўриқнома. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 февралда 888-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 декабрда 101-сон билан тасдиқланган).

Агар муддатидан ўтказиб бериш тўлик суммага тенг бўлса унда муддатидан тўлик ўтказиб бериш ҳисобланади. Муддатидан ўтказиб бериш хусусияти қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди бироқ суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

Пул маблағлари деганда Ўзбекистон Республикасининг фақат банкнот ва танга шаклидаги нақд пул маблағлари тушунилади. Нақд пулсиз операцияни амалга оширишда яъни нақд пулсиз маблағларни ўтказишда уларни бюджет ташкилоти ҳисобига ўтказиш муддатининг ўтиб кетганлиги кодекснинг мазкур моддаси буйича квалификация қилинмайди.

Пул маблағлари бериш кечиктирилишининг асоссизлиги деганда банк раҳбари ёхуд мансабдор шахс иродасига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан кўра олмаган ва кўра ололмайдиган ва нақд пул маблағларини беришга жиддий таъсир қилган қандайдир объектив ҳолатларни тушуниш лозим. Масалан банкда нақд пул мавжудлигида техник воситалар ишлаб турганда фавқулодда вазиятлар бўлмаганда бюджет ташкилотлари ва муассасаларига пул маблағларининг кечиктириб берилишини асоссиз деб тушуниш лозим.⁴³

Бюджет ташкилотлари ва муассасаларига пул маблағларини асоссиз равишда кечиктириб бериш деб у айбдорлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда бироқ улар бу шахсларга аввалдан маълум бўлган доимий ёхуд вақти-вақти билан ёки қандайдир сабабларга кўра юз берадиган ҳолатларнигина ҳисоблаш лозим. Масалан маълум даврда нақд пуллар йук бўлишини билиб айнан шудаверга пул маблағлари тўлови муддатини белгилаш шундай ҳолат бўлади. Суд-тергов органлари томонидан айбдор иродасига боғлиқ бўлмаган бироқ унинг ўзи вужудга келтирган ҳолатларни ҳам пул маблағларини асоссиз равишда кечиктириб бериш деб квалификация қилиниши лозим. Бунга айрим ташкилотларга пул маблағларини бериш муддатини бошқа ташкилотларга зарар етказган ҳолда ўзгартириш мисол бўла олади.

⁴³М.Ҳ.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Олий Таълим муассасалари учун дарслик. Т., 2010 й. 167 бет

Пул маблағларини беришни асоссиз кечиктириб берилишининг сабаби хар бир муайян ҳолатда тергов-суд органлари томонидан кўрсатилиши керак. Тўловга тўсқинлик киладиган объектив оқибатлар айбдор ҳаракати натижасида вужудга келган бўлса унинг ҳаракати ва бу оқибатлар пайдо бўлиши ўртасидаги сабабий боғланишни шунингдек касд йўналишини аниқлаш лозим.

Пул маблағлари беришни асоссиз кечиктиришни ижтимоий ҳавфли қилмиш деб тан олиш учун айбдор дастлаб маъмурий жазога тортилган бўлиши яъни маъмурий преюдиция мавжуд бўлиши шарт.

Иш ҳақи нафақа стипендия ва шу қаби тўловлар учун бюджет ташкилоти ёки муассасаларга пул маблағлари тўлик тўланадиган муддат тугаганидан сўнг жиноят тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри касд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор ўзининг ҳаракатлари натижасида бюджет тақилоти ва муассасасига пул маблағлари беришни асоссиз кечиктираётганлигини англайди ва шундай ҳаракатлар амапга ошишини хоҳлайди.⁴⁴

Шархланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқарган қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари турлича бўлиши мумкиҳамда квалификация қилишга таъсир этмайди бироқ жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинади.

Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ва махсус белгиларга эга бўлган банк раҳбари ёки бюджет ташкилотларининг мансабдор шахсларидир.

Юқоридагиларга асосланиб айтишимиз мумкинки, бюджетдан молиялаштирилган ҳаражатлардан фойдаланиш йўлларини белгилашда уларнинг тарқибий тузилиши ва асосий йўналишлари муҳим амият қасб этади. Бюджет ҳаражатларининг тарқибий тузилиши давлатнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётининг турли соҳасидаги ўрнини аниқ кўрсатиб беради. Шу билан бирга, бюджет ҳаражатларининг тарқибий тузилиши устувор

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Олий Таълим муассасалари учун дарслик. Т., 2010 й. 171 бет

аҳамиятга эга давлат дастурлари учун мўлжалланган маблағларни ҳам ўзида акс эттиради. Бюджет интизомини бузиш давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга имкон бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик муҳити шаклланади, ўтказилаётган ислохотларни жамият идрок қилишга салбий тасир қилади, уларни обрўсизлантиради. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бюджет-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси қуйидаги белгиларга эга: бюджет соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларни таъқиб қилади; ҳуқуқбузарларга нисбатан бюджет-ҳуқуқий нормалар бўйича жазо чораларини кўради. Бу чора мулкӣ тарздаги бюджет ҳуқуқий жазо хусусиятидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарларнинг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатади. Давлат бюджет фаолияти бюджет ҳуқуқбузари томонидан етказилган зарарни қоплатишга, ҳуқуқбузарни бюджет-ҳуқуқий тартибот соҳасига хос шаклда, яъни пул ундириш тарзда жазолашга ҳаракат қилади. Юқоридаги фикр мулоҳазаларга асосланиб, бюджет назоратини тартибга солиш соҳасидаги қонунни «бюджетларни тузиш ва кўриб чиқишнинг белгиланган тартибини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик, бюджетларни тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикасининг барча даражалардаги бюджет тизимидаги бюджетларни бажариш ва бажарилишини назорат қилиш матни билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

3-БОБ. Бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масаласини такомиллаштиришнинг илғор хорижий тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари

3.1§ Ривожланган мамалакатлар тажрибасида бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик асослари

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик ва бюджет назоратни шакли олдига қўйилган вазифалари ва мавжуд ҳуқуқий асослари билан турли давлатларда турли хил кўринишларга эга.

Австралия, Буюк Британия, АҚШ, Янги Зеландия каби давлатларда бюджет назоратининг кенгайтирилган функциялари тизими жорий этилган⁴⁵. Ушбу тизимда бюджет назорат идораси ёки органи давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда уни юритиш учун масъулдир. Ўзбекистон Республикасида эса бюджет харажатларини молиялаштиришни амалга ошириш бюджет назоратининг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Россия бюджет ҳуқуқига кўра бюджет қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланган. Россия қонунчилигида келтирилишича, Россия Федерациясининг 1998 йил 31 июлда қабул қилинган Бюджет кодексига келтирилишича, бюджет интизомига риоя қилмаслик, белгиланган талабларни бажармаслик, бюджет тизимининг барча даражалари ва лойиҳасини, бюджетлар мониторинг тасдиқлаш ва кўриб чиқиш белгиланган тартибда нотўғри бажарилиши бюджет қонунчилигини бузилиш деб топилади ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади ва бюджет қонунчилиги бўйича, белгиланган жавобгарликка тортилади. бюджет интизомини бузганлик учун қуйидаги мажбурий жаролар қўлланилади. Россия Федерациясининг 1998 йил 31 июлда қабул қилинган Бюджет кодексига келтирилишича, бюджет қонунчилигини бузганлик учун

⁴⁵ Мусаев.Б.А Совершенствование механизма финансового контроля при исполнения Государственнойю бюджета Республика Ўзбекситон. Автореф. Дисс.на.уч.ст.экон. наук.-Т.2009-С11

жавобгарликка тортиш асослари келтирилган бўлиб, унга кўра бюджетни қуйидаги асослар мавжуд бўлганда бюджет интизоми бузилиш деб топилади ва жавобгарликка тортилади:

бюджет қонунчилиқка риоя этмаганда;

бюджет маблағларини суиистеъмол қилинганда;

иш ҳақларини бюджет маблағлари олувчиларга бериш вақтини ўтказиш

бюджет ижроси билан ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этишни кечиктирилганда ҳамда бюджет харажатларини бюджет олувчилар томонидан олмаганда моддама модда ҳисоб китоб қилинмаганда ҳамда бюджет даромадларини давлат бюджетига мажбурий ўтказмаслик ва уни кечиктириш.харажатларни бюджет жадвалига киритмаганда

Шуниндек, бошқа асослар мавжуд бўлганда бюджет қонунчилигини бузиш деб топилади ва белгиланган жавобгарликка тортилишга асос бўлади. Шунингдек, Россия Федерациясининг 1998 йил 31 июлда қабул қилинган Бюджет кодексига келтирилишича, бюджет қонунчилиги бузилганда, яъни бюджет маблағларини суистемол қилинганда, иш ҳақларини бюджет маблағлари олувчиларга бериш вақтини ноқонуний кечиктирилганда, бюджет ижроси билан ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этишни кечиктирилганда, бюджет харажатларини бюджет олувчилар томонидан олмаганда модама-модда ҳисоб китоб қилинмаганда, бюджет даромадларини давлат бюджетига мажбурий ўтказмаслик ва уни кечиктирилганда, харажатларни бюджет жадвалига киритмаслик ва бошқа асослар мавжуд бўлганда қуйидаги жавобгарлик турлари белгилаб қўйилган:⁴⁶

бюджетни нотўғри ижро этганлик учун огохлантирув;

харажатларга банд солиш;

бюджет маблағларини қайтариб олиш;

кредит муассасалари билан ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

жарима солиш ва бошқа жазолар белгиланган.

⁴⁶ Россия Федерациясининг Бюджет кодексига- 1998 йил 31 июл. 286- модда

Францияда бюджет соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик асослари Франциянинг бир неча норматив ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бюджет ижроси жараёнини тартибга солиб турувчи меъерий-ҳуқуқий актлар қўйидагиларда ўз ифодасини топган. Франциянинг 1959 йилнинг 2 январиди қабул қилинган “Давлат бюджети тўғрисида”ги Органик (Конституцион) Қонун, Франция Президентининг 1962 йил 29 декабрдаги 62-1587-сонли “Давлат молия операцияларини рўйхатга олиш бўйича асосий низомлар тўғрисида”ги Декрети (бу Декрети 1992 йил 30 декабрда йилдаги ўзгартиришлари ва тўлдиришлари билан), Молия вазирлигининг 1966 йилги “Давлат бухгалтерлари хизматини ташкил қилиш тўғрисида”ги инструкцияси, Молия вазирлигининг 1999 йилдаги “Миллий счётлар тизими” тўғрисидаги инструкцияси каби норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Францияда Бюджетини ғазначилик ижроси тизими чуқур ташкилий ўзгаришларни бошидан кечирди. 1959 йилдаги Органик Қонун ўрнига 2001 йил 1 августда қабул қилинган “Давлат бюджети қонунлари тўғрисида”ги янги № 2001-692 Органик Қонун чиқарилди. Бу қонун 2006 йил 1 январдан бошлаб амал қила бошлади. Қонун қабул қилингандан уни амал қилиши ўртасидаги узок муддат бюджет жараёнида чуқур ислохотлар олиб борилиши кераклиги билан асосланади. Францияда давлат бюджетини ташкил топиш ва ижроси жараёнини ташкил этиш ва назоратини ташкилот Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлар амалга оширади.⁴⁷ Бу иқтисод, молия, саноат вазирликлари бюджет соҳасида ваколатлари берилган бўлиб улар фаолият натижасида эришилган бюджет қоидабузарликлар юзасидан юқори органга ҳисобот беради.

Франция қонунчилиги бўйича, бюджет интизомини бузилганда, жарима, ҳисобқарақларга банд қўйиш ва жиноий жазолар белгиланган. Агар мансабдор шахслар томонидан иш ҳаққи асоссиз кечиктирилганда, ишчи ходимларнинг разрядлари бўйича кам хиобланганда харажатларни нотўғри

⁴⁷ Франция “Давлат бюджети қонунлари тўғрисида”ги янги № 2001-692 Органик Қонун 13 модда

сарфланганда «Франс-Трезор» агентлиги томонидан юқорида келтирилган жазо чораларидан бирини қўллайди.

3.2§ Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари

Барча ривожланган мамлакатларда давлат бюджети устидан бюджет-молия давлат назорати кўпдан таркиб топган ва муваффақиятли иш олиб бормоқда, назорат-тафтиш органларининг кенг тармоқлари мавжуд. Давлат тузилиши ва бошқарув шакллари, миллий анъаналар хусусиятига боғлиқ ҳолда бу назорат турлича қўрилади. Шунга қарамай, хорижий мамлакатларда назорат тафтиш шохобчалари кўп йиллик халқаро тажрибада ишлаб чиқилган умумий тамойилларга асосланиб ташкил этилган ва фаолият кўрсатади. Чунончи, ҳар қандай йирик (иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, сиёсий, космик) дастур беистисно тарзда назоратнинг кичик тизимига эга бўлиб, белгиланган маблағлар умумий ҳажмининг 1-2 фоизи унга ажратилади. Одатда, барча мамлакатларда давлат маблағларининг сарфланиши устидан махсус парламент ёки давлат назорати муассасалари (органлари) мавжуд

АҚШда конгресснинг бош назоратчи раҳбарлигидаги Бош назорат-молия бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Буюк Британияда-бош тафтишчи раҳбарлигидаги Миллий тафтиш кенгаши томонидан амалга оширилади.

Канадада-бош назоратчи томонидан амалга оширилади.

Ҳиндистонда-давлат ҳисоботи ва бюджет маблағларининг парламент қўмиталари томонидан амалга оширилади.

Финландияда-5 нафар давлат тафтишчиси томонидан амалга оширилади.

Японияда -назорат тафтиш бошқармаси томонидан амалга оширилади

Австрия, ГФР, Франция, Венгрияда – бундестаг ёки парламент ҳузуридаги ҳисоб палаталари томонидан амалга оширилади. Америка Қўшма Штатларида давлат бюджетини ишлабчиқиш ва ижросини амалга оширишни ташкил этилишига Президент Маъмуриятига кирувчи Маъмурий-бюджет бошқармаси (МББ) (Office of Management and Budget) жавоб беради. АҚШ Конгресси томонидан ажратилган маблағларни ишлатилиши тўғрисидаги қарорларни маъмуриятнинг тармоқ департаментлари назорат қилади.

Хорижий мамлакатларда бюджет тизимининг моделлари

Франция давлат бюджети

Латвия- бюджет хизмати

Испания бюджети бош директори

Австралия бюджет департаменти

Буюк Британия бюджет бош идораси

Россия бюджет департаменти

Япония бюджет бўлими бюджет қўмитаси

АҚШ бюджет назорати (Budget Department) барча давлат тушумлари ва уларнинг тўловларини назоратини амалга оширади. Бюджет назорати таркибига Солиқ ва Божхона бошқармалари киради. Бу бошқармалар орқали бюджет назорати барча солиқ ва божхона йиғимлари ҳамда айрим муассасаларнинг хизматлари учун тўловларни йиғиб олади. Бюджет назорати Федерал резерв тизимида Бош ҳисоб рақами мавжуд ва у ҳукумат ҳисоб рақамларини назорат қилади. Даромадлар ва тушумлар йиғими банк тизими орқали амалга оширилади. Конгресс томонидан тақдим этилган ва Президент томонидан тасдиқланган бюджет ажратмаларига биноан бюджетдан маблағ олувчилар Ғазначиликка расмий тўлов талабномасини тақдим этишади. Ғазначилик департаментларга ажратилган маблағлар улушини Маъмурий бюджет бошқармаси (МББ) билан биргаликда назорат қилади, чунки Маъмурий бюджет бошқармаси умуман харажатлар таркиби бўйича жавобгардир. Тақдим этилган расмий тўлов талабномалари тўлов ҳужжатларига мос келган ҳолларда ғазначилик тўловларни тўлаб беради.

Одатда тўлов воситаси сифатида чеклар ишлатилган. Аммо охириги йилларда улар ўрнини электрон тўловлар эгалламоқда. АҚШ давлат бюджети ижроси Ғазначилик ва Маъмурий Бюджет Бошқармаси билан биргаликда амалга оширилади. АҚШ давлат бюджети ижроси тўғрисидаги қонунда Маъмурий Бюджет Бошқармаси бюджет соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказди.

Маъмурий Бюджет Бошқармаси жорий йилдаги бюджет ижроси қонунига асосан харажатлар сметасини тайёрлайди, ҳамда президент маъмуриятининг турли департаментлари даражасида харажатларни тақсимоти ва ҳисобини амалга оширади. Ғазначилик макроиқтисодий ҳолатнинг прогноз маълумотларига асосланган ҳолда давлат ғазнасига даромадлар тушумининг ҳисобини амалга оширади. Ғазначилик бюджетга тушумларни, ҳамда харажатлар оқимини бошқарувини таъминлайди. Шу мақсадда Ғазначилик департаменти ва тармоқлар департаментлари ўртасида доимий маслаҳатлар ўтказилади. Тушумлар билан белгиланган харажатлар қопланмаган тақдирда АҚШ Ғазначилиги, унга берилган ваколатдан фойдаланиб, янги қарз мажбуриятларини чиқаришни ва ҳисобини ташкил этади. Давлат маблағлари харажати ҳисоби ва аудитини Бош Назоратчи бошчилигидаги Бош Ҳисоб Бошқармаси (БҲБ) (General Accounting Office) таъминлайди. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ва прогнози Интернетда АҚШ Ғазначилигининг сайтида чоп этилади. Чоп этилган маълумотларнинг махсус бўлим касса операциялари ва мажбуриятларни бажариш операцияларига бағишланган.

Дунёдаги бошқа мамлакатларнинг марказий банкларидек, Федерал резерв тизими монетар сиёсатни ва банк фаолиятини бошқаришни амалга оширади, ҳамда иқтисодий статистикани олиб боради. Ғазначилик томонидан ўтказиладиган тўловларнинг фарқловчи хусусияти шундаки, маблағларни нақд бўлмаган кўринишда ўтказиш устуворликка эга. Шу

мақсадда Федерал Резерв тизимида, Ғазначиликда ва агентликларда турли хил электрон ҳисоб китоблар ва тўлов тизимлари киритилган. Бюджет маблағлари босиб ўтадиган барча бўғинларда шундай тизимларни кенг тарқалиши маблағлар оқимини марказлаштириш ва оптималлаштириш, маблағларни ўтиш муддатларини максимал қисқартириш ва жараённинг барча қатнашчиларини тўловларни амалга ошириш ва пул маблағларини олишнинг турли имкониятлари билан таъминлади.

Буюк Британия.Буюк Британияда Ғазначилик консолидациялашган давлат фондига умумий тушумларни назорат қилади ва ушбу фонд, ўз навбатида, Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобварағи функциясини ҳам амалга оширади.Бюджет тушумларини қуйидаги муассасалар таъминлайди:

ички солиқ органлари;

божхона органлари;

ўзининг тармоқлари бўйича турли хил йиғим ва тўловлар учун жавобгар вазирликлар;

Харажатлар қисмидан ташқари, даромадлар тушуми бўйича маълумотлар ишлаб чиқилади ва регистрация қилинади. Консолидациялашган фонд томонидан амалга оширилаётган тўловларни ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадида Ғазначилик томонидан ҳар ойда молиявий режа ишлаб чиқилади.

Давлат бюджети режасидан фарқли ўлароқ бу қисқа муддатли режа қисқа муддатли молиялаштиришда бўлган эҳтиёжларни аниқлайди. Ғазначилик давлат қарзларини бошқаришга ҳам жавобгар бўлиб, шу мақсадда миллий ссуда фондини ҳам юритади. Мажбуриятларни бажариш ва бошқариш мақсадида Консолидациялашган фонд ва Миллий ссуда фонди ўртасида ўзаро маблағлар ўтказмаси амалга оширилади. Давлат бюджети ижросини эҳтиёжлари ва қисқа муддатли эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда Ғазначилик ҳажми ва муддати бўйича давлат қимматли қоғозларини чиқариш таркибини белгилаб беради. Қарз мажбуриятларини олиш ва уларни қоплаш жараёнида Ғазначиликнинг агенти вазифасини Англия Банки бажаради.

Давлатнинг молиявий активларини сақловчиси бўлган Ғазначилик давлат корхоналарига лимитларни ўрнатиш орқали ташқи қарзлар ҳажми устидан назорат ўрнатади.

Ғазначилик давлатнинг молиявий ахборот тизимининг ҳолати ва ривожланишига жавобгардир. Департаментлар ва давлат агентликлари ўз эҳтиёжларини ақс эттирувчи махсус молиявий модулга эга. Молиявий модуллар Ғазначиликнинг ахборот тизими билан боғланган. Бош Ғазначи маъмурияти тармоқ департаментларининг топшириқларига биноан шу мақсадда ажратилган маблағлар доирасида тўловларни амалга оширади. У ҳисобларни рўйхатдан ўтказишни, уларни қайта ишловини, барча тўловларни ҳисобга олинишини таъминлайди. Тармоқ Департаментлари ажратилган давлат маблағларини харажатларини ички аудити ва назоратини мустақил ташкил қилади.

Унинг таркибига қўйидагилар киради:

Бюджет бошқармаси (бюджетни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижро методологиясига жавобгар орган);

Давлат молиясини ҳисобга олиш Бош бошқармаси (ёки Франция давлат ғазначилиги дейиш мумкин);

Ғазначилик дирекцияси - «Франс-трезор» агентлиги (ФТА).

Юқорида қайд этилган бўлимлар (ФТАдан ташқари) вазирликнинг фискал органлари (Солиқлар бўйича Бош бошқарма, Божхона ва эгри солиқлар бўйича Бош бошқарма, Пенсия хизмати) билан биргаликда статуси бўйича Иқтисод, молия ва саноат вазирининг ўринбосари ҳисобланмиш бюджет ишлари бўйича Давлат котибига бўйсинади. Францияда бюджетни ғазначилик ижросининг функция ва ваколатлари аниқ тақсимланган икки даражали модели амал қилади:

Давлат ғазначилигининг идоралари - ҳам Вазирлик аппарати, ҳам хуудлар.

«Франс-трезор» агентлиги.

Давлат ғазначилик идораларининг функциялари:

Тушумларни назорат қилиш;
Давлат харажатларини амалга ошириш ва назорат қилиш;
Бюджет ва ҳисобот ахборотини тайёрлаш;
Консалтинг;
Жамғармалар ва умумий маблағларни бошқариш;
Давлат бюджет соҳасидаги органлар ва идораларининг вазифалари:
Франция Ғазначилигининг фаолиятини координация қилиш;
Давлат ҳисоби амалиётини қоидаларини модернизация қилиш Давлат
ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш;
Маҳаллий ҳокимият органларига ислоҳотларда ёрдам кўрсатиш;
Франция Ғазначилиги кадрларини бошқариш.

«Франс-Трезор» агентлиги. Иқтисод, молия ва саноат вазирлигининг
энг ёш ва тез ривожлаётган идораларидан бири бўлиб 2001 йилда ташкил
топган ва 30 кишили штатга эга.

Япония. Японияда бюджет ижроси Молия Вазирлигининг бир нечта
бўлимларига юкланган улар қуйидагилар:

Ғазначилик бўлимлари;
Қарзларни бошқариш бўлими;
Молиявий бўлим;
Бюджет бўлими;
Юридик бўлим.

Бу бўлимлар Япония Молия вазирлиги таркибига кирувчи Молия ва
Бюджет бюроси бўлинмалари ҳисобланади. Молия Вазирлиги мамлакат
иқтисодининг кўплаб тармоқлари ва соҳаларини назорат қилувчи, катта
таъсир кучига эга бўлган давлат органи ҳисобланади. Бюджетнинг даромад
қисмини Молия вазирлигининг қуйидаги бўлинмалари ижро этади ва назорат
қилади:

Миллий солиқ хизмати;
Божхона департаменти;

Улар даромадлар йиғимини ўзининг маҳаллий бўлинмалари, шунинг билан бирга миллий почта хизмати ва тижорат банклари ёрдамида амалга оширади. Ҳазначилик бўлими кунларга бўлиб деталлаштирилган молиявий режа ишлаб чиқади. Бюджет ижроси бўлими тўловлар амалга оширилиши графигини тасдиқлайди ва Ҳазначилик билан бирга Япония банкидаги Ҳукумат ҳисобварағидан тушумлар ва тўловларни назорат қилади. Бюджет вазирликлари ва давлат агентликлари ушбу тасдиқланган график доирасида харажатларни амалга оширади. Япония банки ҳисобни юритишдан ташқари ажратилган маблағлар бўйича вазирликлар томонидан лимитларни бажарилиши ва нақд пул оқимларини назорат қилади. Япония банки барча давлат маблағларини Ҳукуматнинг Ягона Консолидациялашган Ҳисобварағида жамлайди. Тармоқ вазирликлари учун субсчётлар мўлжалланган бўлиб, улар ёрдамида кредитланишади, харажатлар амалга оширилади ва давлат ажратмалари бўйича лимитларга амал қилиниши назорат этилади. Қарзларни бошқариш бўлими қимматли қоғозлар чиқариш ҳажми ва муддати, уларнинг таркиби масалаларини ҳал этади. Давлат молиясининг ахборот тизими Япония Молия вазирлиги даражасида интеграциялашади. Молия вазирлигининг ахборот тизими бюджетни тайёрлашда, бюджет маълумотларини, бюджет ижроси бўйича маълумотлар ҳаракатини ва бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш бўйича маълумотларини нашр этишда фойдаланилади. Бюджетнинг касса ижроси бўйича йиғма маълумот кундалик ҳисоботларда кўрсатилади.

Германия. Германия Федератив Республикаси(ГФР)да федерал бюджетни касса ижроси Федерал кассалар томонидан амалга оширилади.

Федерал кассалар ҳудудий тамойил асосида ташкил этилган бўлиб Молия бўйича федерал маҳкамаси тизимига кирадиган Бош федерал кассага бўйсинади.

Бош федерал касса ваколати белгилаб қўйилган.

барча федерал кассалар учун ҳисоб-китоб марказининг вазифасини бажаради;

федерал кассалар томонидан амалга оширилаётган барча операцияларни акс эттирувчи Бош китобни тўлдириб боради;

Федерациянинг ягона ҳисобварағини бошқаради.

Шундай қилиб, федерал кассалар тизими Федерация даромадлари ва харажатлари ҳолати бўйича кундалик маълумотлар бўлишини таъминлайди. Федерал кассалар бюджет маблағларини олувчиларда белгиланган тартибда бюджет ажратмалари мавжудлигини назорат қилади. Шу билан бирга федерал бюджет маблағлар билан операциялар, шу жумладан, улардан мақсадли фойдаланиш бюджет маблағларини Бош тасарруф этувчилар томонидан назорат қилинади. Дунё молияви амалиётида Ягона ғазна ҳисобварағининг (ЯҒХ) иквидлигини бошқариш бўйича бир неча ёндашувлар мавжуд. ГФРда ЯҒХнинг ликвидлигини бошқариш жараёнинг асосий қатнашчилари:

Федерал Молия вазирлиги;

Қимматбаҳо қоғозлар бўйича Федерал бошқарма;

Федерал Молия агентлиги.

Федерал Молия вазирлиги ЯҒХнинг ликвидлигини режалаштириш ва методик таъминлаш функцияларини бажаради. Қимматбаҳо қоғозлар бўйича Федерал бошқармадават қарзини бошқариш масалалари билан шуғулланади. 100 %ли давлат иштироки билан Маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) шаклида тузилган Федерал молия агентлиги Федерация номидан ва топшириғи билан кредит бозорида кредитларни жалб қилиш ёки ортиқча бўш федерал бюджет маблағларини жойлаштириш, федерал қимматбаҳо қоғозларини эмиссия қилиш билан шуғулланади.

Бюджет идораси тўловларни ўтказиш учун бўйруқни электрон шаклда тузади. Бўйруқни белгиланган шаклда ва мазмунда тўлдиришига бюджет идораси жавобгар. Кассада бўйруқ тўлов варақасига айлантиралади, ва у банкка касса номидан топширилади. Бюджет маблағларидан фойдаланувчилар бўйруқларни тузишида факат автоматлаштирилган тизимдан фойдаланадилар.

Ҳисоб рақамларни дебетлаштириш жараёндан кенг фойдаланилади. Бу ҳолда бюджет идораси маблағларни ҳисобдан чиқариш учу ариза шаклида ёзма рухсат беради. Федерал кассаси пул маблағларни ҳисоб рақамидан чиқаришини расмийлаштиради. Даврий тўловларни амалга ошириш керак бўлганида бюджет идораси унинг давомийлиги ва маблағларни ўтказиш муддати кўрсатилган бўйруқни расмийлаштиради.

Асосий Қонунинг 114- моддасига биноан бюджет ҳисоботи кўйидагилардан иборат:

Харажатлар ва даромадлар ҳақида ҳисобот;

Давлат қарзи ҳолати тўғрисида маълумотларни ўз ичига олаган мулкӣ ҳисобот.

Бюджет ҳисоботи идоралар режалари асосида тузилади.⁴⁸

Ҳисоботларни тузиш тартибини бошқариб турувчи асосий меъёрий ҳужжат 1953 йилдан бери амалда бўлиб келмоқда. Шу билан бирга йиллик ҳисоботини тузиш хусусиятлари Федерал Молия вазирлиги томонидан нашр этаётган йиллик циркулярларда кўрсатилган.

Франция ва Германия бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тартиб қоилари ва бюджет ижросининг ғазначилик тизими унитар давлатлар учун характерли модель бўлиб, бизнинг республикамизда давлат молиясини ислоҳ этишда аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Лекин Франция тажрибасини мамлакатимизнинг воқелигига тўла юзаки кўчириш мумкин эмас, чунки бунга бир қатор сиёсий, ижтимоӣ-иқтисодӣ, ташкилий, руҳӣ ва бошқа сабаблар мавжуд. Айни пайтда, ЯҒҲни амал қилиши, ғазначилик ҳисоб рақамларидаги маблағлар оқимини бошқариш, бюджет тизими ликвидлигини таъминлаш ва бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масаларида Франция тўплаган тажрибани ўрганиш Ўзбекистонда бюджет ижросининг таъминлаш ва бюджет соҳасидаги қонунбузарликларни олидини олиш тизимини кейинги ривожини учун фойдали бўлиши мумкин.

⁴⁸ ГФР асосий қонунинг 2001 й.-114 моддаси

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бугинги кунда бюджет мамлакатни юраги десак тўғри бўлади. Сабаби давлатнинг барча соҳасидаги ижтимоий муносабатлари бевосита бюджет билан боғлиқ. Шунингдек, аҳолини яшаш тарзи ва давлатнинг ривожланиш босқичи ҳам бевосита бюджетга боғлиқ десак тўғри фикр юритган бўламиз Шундай экан бюджетга катта аҳмият бериш, бюджетни тўғри мақсадларда сарфлаш ҳамда бюджет муносабатларини давлат томонидан кучли назорат остига олиш ҳам бурч ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу тартибларга риоя этишда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш ижобий натижа беради деб фарз қиламиз. Шундай экан бугинги кунда бюджет соҳасида яъни бюджет назорати, бюджет интизоми, бюджет илтизоми бузилиши тартиби, бюджет интизоми бузганлик учун жавобгарлик ҳуллас бюджет соҳасида вужудга келадиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хориж ташрибаси ўрганиш ҳамда бу борада ўз фикрларимизни баён қилган ҳолда фикр ва таклифларимизни берсак, мамлакатимиз ҳудудида бюджетни тўғри сарфлаш, бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда оз бўлсада ёрдам берган бўламиз. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисини турмуш даражаси яхшиланиши билан бир қаторда юртимизни ривожланишига озми кўпми хиссамизни қўшган бўламиз. Шундай экан нафат бюджет соҳасидаги муносабатларни балки, бошқа ҳуқуқ соҳаларини ҳам мамлакатимиз ҳуқуқ соҳаси билан қиёслаш натижасида ижобий тарафларини олиб мамлакатимизнинг ҳуқуқ соҳасига жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, бугинги кунда бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети назоратини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга молик масаладир. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасини ўз домига тортган молиявий иқтисодий тангликни келтириб чиқарган сабаблардан бири давлат маблағини ҳаддан ташқари кўп, назоратсиз сарфлаш экани аён бўлган бир шароитда бу муаммо ҳолатда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиб, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини енгиллаштириш мақсадида бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ва бюджет ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қатъий чоралари қўлланилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган дастур асосида бюджет ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини енгиллаштириш бўйича қўлланган чоралар ўз самарасини берди.

Маълумки, мамлакатимизда бюджет ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҳуқуқий чоралар Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, бюджет соҳасидаги қонунлар асосида амалга оширилади. Бюджет кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодекси билан белгиланганлиги бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тартибга солишнинг ҳуқуқий негизидир. У юртимизда бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари, бюджет қонунчилигининг умумий ҳуқуқий асосларини, Давлат бюджетининг шаклланиш ва тузилиш принциплари, уни кўриб чиқиш, қабул қилиш ва бажариш тартибини белгилайди. Шунингдек,

унда Бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкциялар, Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши, давлат бюджети маблағлари операцияларини амалга оширишда ҳисобга олиш ва ҳисобот, шунингдек, назорат принциплари мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат бозор муносабатларининг субъектларидан бири сифатида ўз молиявий фаолиятини амалга оширади. Шу боис бюджет муносабатлари йил сайин ривожланади ва уни тартибга солувчи кўплаб янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар вужудга келади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда бюджет муносабатларини, шу жумладан, бюджет назоратини тартибга солувчи саксондан зиёд қонун актлари мавжуд. Кенг қўламли ҳуқуқий, ташкилий ва методик база эса бюджет назорати амалга оширадиган вазифаларнинг тез ва самарали олиб борилишига халал беради. Айрим қоидалар юзасидан коллизиявий қоидалар, тафовутларга дуч келинади. Зеро, ҳозирга қадар бюджет назорати бўйича кенг қўламли қонунлар борлигига қарамай, кодекслаш амалга оширилмаган. Натижада, қоидаларни амалиётда қўллаш анча мушкуллашиб, бюджет назорати ҳужжатларини системалаштириш ва кодекслаш мақсадида Бюджет кодексини қабул қилишни тақозо этмоқда. Бу билан, аввало, бюджет тизимининг асосий принциплари, ушбу жараён иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган бўлар эди. Қолаверса, Бюджет кодекси Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида давлат ва маҳаллий бюджетлар бажарилишини тартибга солувчи муҳим меъёрий ҳужжат вазифасини ўтайди. Сўнги йилларда молиявий-ҳуқуқий жавобгарлик институти фани ривожланган бўлса-да, бюджет-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини, унинг юридик жавобгарлик тизимидаги ўрнини белгилаш, бюджет-ҳуқуқий жавобгарлик билан молиявий ва солиқ жавобгарлиги нисбатини аниқлаш борасида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бюджет-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси қуйидаги белгиларга эгаллигини кўришимиз мумкин:

бюджет соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларни таъқиб қилади; ҳуқуқбузарларга нисбатан бюджет-ҳуқуқий нормалар бўйича жазо чораларини кўради;

мулкӣ тарздаги бюджет-ҳуқуқий жазо хусусиятидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарларнинг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатади;

давлат бюджет фаолияти бюджет ҳуқуқбузари томонидан етказилган зарарни қоплатишга, ҳуқуқбузарни бюджет-ҳуқуқий тартибот соҳасига ҳос шаклда, яъни пул ундириш тарзда жазолашга ҳаракат қилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, бюджет кодесининг “бюджетларни тузиш ва кўриб чиқишнинг белгиланган тартибини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик, бюджетларни тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикасининг барча даражалардаги бюджет тизимидаги бюджетларни бажариш ва бажарилишини назорат қилиш” матни билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш объектив ва бюджет муносабатларини янада ривожлантириш учун зарур. Жараёни ислоҳ қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, давлатнинг барча даражадаги бюджет тизимида бюджетни режалаштириш учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда. Бунинг учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарасининг мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қонунда мустаҳкамлаш зарур. Натижада бюджет назоратини амалга ошириш бўйича зиммасига муайян ваколатлар юкланган давлат органларининг вазифалари соддалашади.

Мавзуга оид таклифлар: Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб, бюджет интизомини бузиш деганда Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга йўналтириш, бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган

харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штатинт изомини бузилиши, ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалға оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир ҳолатда бюджет интизомини бузилган ҳисобланади.

Бюджет назоратига қуйидагича илмий таъриф беришимиз мумкин. Бюджет интизомини бузиш деганда Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш (улардан фойдаланиш) шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга йўналтириш, бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штатинтизомини бузилиши, ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалға оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир ҳолатда, бюджетдан ажратиладиган маблағларни харажатлар сметасига киритиш, ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сонига, ходимларнинг тоифалари

ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига рия этмаслик, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига рия этмаслик, тарификация рўйхатларини тузишнинг белгиланган тартиби ва нормативларига рия этмаслик бюджет интизомини бузилган ҳисобланади.

Бюджет интизомини бузилиши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг 175² ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 184¹-моддасида маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликлар аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу кодексларда келтирилишича, бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штатинтизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади деб келтирилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 187-моддасида, бюджет интизомини бузилиш сабабларига бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штатинтизомини бузиш билан бир қаторда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига рия этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалга оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор

шахслари томонидан асоссиз кечиктириш ҳолатлари ҳам келтириб ўтилган. Лекин Ўзбекистон Республикасинг Маъмурий жавобгарлик кодексининг 175² моддаси ҳамда Жиноят кодексинг 184¹-моддаларида фақат бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, смета-штат интизомини бузилиш ҳолатлари учун жавобгарлик берилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалға оширувчи муассасаларға пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир ҳолатларига жавобгарлик масаласи очик бўлиб турибди. Бу ҳолатда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалға оширувчи муассасаларға пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир ҳолатлари бюджет интизомини бузилиш эмас деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмаслик, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек

пенсияларни етказиб беришни амалга оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктир холатларини ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ҳамда Жинояткодексининг моддалари диспозициясига киритиш кераклиги ҳамда уларга ҳам жавобгарликни аниқ турларини белгилашни таклиф этамиз.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши бюджет назоратини амалга оширувчи давлат органларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқи, вазифаси ва ваколатларини қонун даражасида мустаҳкамлашдан иборат. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бюджет назоратини амалга оширишга ихтисослашган орган. Бироқ палатанинг эркин ишлашини таъминлаш учун унинг ваколати, ҳуқуқи ва вазифасини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш, яъни “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳақида”ги қонунни қабул қилиш лозим.

Бюджет назоратининг кейинги ривожланиши қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича халқаро шартномаларни, хусусийлаштириш ҳақидаги қонун нормалари қўлланилишини, фонд бозорини бюджет билан молиялаштиришни самарали назорат қилиш билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, турли даражадаги жисмоний ва юридик шахслар, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ҳукуматларининг бюджетга маблағ ўтказиши умумий тартибларини қонуний тарзда йўлга қўйиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 26-бобининг номи “Давлат молиявий назорати” деб номланади. Бизга маълумки, Молия ҳуқуқи фани давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Мазкур муносабатларни бир неча гуруҳга бўлишимиз мумкин: 1) давлат ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг бюджет соҳасидаги фаолияти; 2) давлат ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг солиқ соҳасидаги фаолияти; 3) давлат ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг кредит соҳасидаги фаолияти; 4) давлат ва маҳаллий корхоналарнинг молиявий фаолияти; 5) мажбурий суғурта

соҳасидаги давлат фаолияти; б) давлат ва маҳаллий органларнинг бюджетдан ташқари жамғармалар соҳасидаги фаолияти. Бундан кўринадики Ушбу бобни номини Бюджет назорати деб ўзгартиришни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабётлар

I Рахбарий адабётлар

1. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Халқ сўзи, 2010 й
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том .-Т. Ўзбекистон», 1996.й.
3. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Тошкент оқшоми» газетаси, 2006 йил 13 феврал, 29(10.586)-сон.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январ.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида, Т.Ўзбекистон, 2005.

II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрельда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги 403-сонли қонунинг 6-моддаси. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 12 апрелдаги 71 (6506)-сони
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.:”Адолат”, 2015 й

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2015 йил 1 октябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т:.”Адолат”, 2015 й.

6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига илова “Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш боқармалари тўғрисида”ги низоми. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон

7. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети дарамотида бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, шаҳар ва туманларининг маҳаллий бюджети қарамоғида бўлган муассасаларнинг харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Йуриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 8. февралда 888-Сон билан давлат руйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 декабрда 101-сон билан тасдиқданган), 3-банд. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й.

9. Россия Федерациясининг Бюджет кодекс 1998 йил 31 июл

10. Франция “Давлат бюджети қонунлари тўғрисида”ги янги № 2001-692 Органик Қонун 2001 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг фазначилиги тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.

III. Илмий адабётлар

1. Мусаев.Б.А Совершенствование механизма финансового контроля при исполнения Государственнойю бюджета Республика Ўзбекситон. Автореф. Дисс.на.уч.ст.экон. наук.-Т.2009-С11

2. Б.А.Жўраев Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг рўли. Диссертация. Т.-2010й.

IV Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Остонақулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. Т. Молия, 2005. й

2. Остонақулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби. –Т.Здравплюс/ЮСАИД, 20043. Дарслик А.Ли Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи. Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., Х.СИсламходжаев. – Т., 2004.й

4. Ш.Б.Билолжўжаев, Ғ.Т.Ҳақимов. Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи. бакалавриятнинг 5240100 – юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., Х.СИсламходжаев. – Т., 2011

5. Собуров.Н, Нажимов. М. Давлат ҳуқуқ назарияси/ Ўқув услубий қўлланма.-Т., ТДЮИ, 2012 й.

6. С.Раззоқов, Н. Имомов, И. Қувайтов Юридик энциклопедия Тошкент "Шарқ", 2001.й

7. Ўзбекистон Республикаси юридик Энциклопедияси. 2000.й. Т

8. М.Ҳ.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Олий таълим муассасалари учун.дарслик.Т., 2010 й

9. М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар.махсус қисм.Т.,–“илмзиё “2006. й

10. Мусаев.Б.А Совершенствование механизма финансового контроля при исполнения Государственнойю бюджета Республика Ўзбекситон. Автореф. Дисс.на.уч.ст.экон. наук.-Т.2009

11. ГФР асосий қонунинг 2001 й

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 ил 20 мартдаги 53-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилиги тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.

V. Интернет сайтлар:

1. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар миллий базаси

2. www.treasury.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилиги

3. www.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали

4. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Республика бюджет тизими

Бюджет жараёни
мобайнида
бюджетлар ва
бюджет
маблағларини
олувчи ўртасида
юзага келувчи ўзаро
муносабатлар

Бюджет жараёни
мобайнида
бюджет тизими
бюджетлари
ўртасида юзага
келувчи ўзаро
муносабатлар

Бюджет
маблағларин
и олувчилар
йиғиндиси

Турли
даражадаги
бюджетлар
мажмуи

Бюджетларни
ташkil этиш
хамда уларни
тузиш
принциплари

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

